Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 15 - iyun, chorshanba * № 24 (983) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

**Тошкентда «Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш қонунчилиги ва амалиёт: миллий ва хорижий тажриба» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.**

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

**Франция пойтахти Парижда буюк саркарда ҳамда давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган конференция ҳамда суратлар кўргазмаси ташкил этилди.**

Тошкент шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

**Корея Республикаси пойтахти Сеулда Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Юртимизнинг Латвиядаги элчихонаси, Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг ушбу мамлакатдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Рига шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросимини ўтказди.



“HURRIYAT” газетаси “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.






**ҚЎШМА КОРХОНАЛАР**

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган “O'zMinda” Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси “GM Uzbekistan” заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун 24 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ихтисослашган.

# ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТ САМАРАЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу иқтисодий зонада хорижий сармоядорлар иштирокида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар йилдан-йилга ортмоқда. Бунда хўжалик юритувчи субъектларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб берилаётган солиқ имтиёзлари, тўлиқ экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатимизга келтирилаётган асбоб-ускуналар, хомашё ва материаллар, бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилиниши каби имтиёзлар муҳим омил бўлаётир.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида айни пайтга қадар қарийб 20 лойиҳа амалга оширилди. Ҳудудда Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Ҳиндистон сингари мамлакатлар сармоядорлари иштирокидаги қатор қўшма корхоналар томонидан автомобиллар учун зарур эҳтиёт қисмлар, энергетика тизимида фойдаланиладиган кабеллар, турли гигиеник воситалар, рақамли телемосламалар ва бошқа экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

“O'zMinda” Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасида “Cobalt”, “Nexia”, “Damas”, “Matiz”, “Gentra” русумли автомашиналарга спидометр, эшик дастаси, қулф, соат ва бошқа турдаги зарур деталлар тайёрланаётир. Ўтган йили корхонада 19 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди, 227 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

— Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш мақсадида хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда, — дейди корхона бош директори Жасурбек Шаропов. — Натижада маҳсулот тури кенгайиб, экспорт ҳажми ортмоқда. Меҳнат қилаётган 90 га яқин ишчи-ходимнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

Бу ерда нафақат автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, балки турли спорт инвентарлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Шахмат мусобақасида фойдаланиладиган электрон соат, секундомер ва спортчиларнинг вазнини ўлчаш учун электрон тарози тайёрланмоқда.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида корхона томонидан янги лойиҳа ўзлаштирилди. “GM Uzbekistan” заводи автомобиллари учун янги авлод спидометрлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий эҳтиёт қисм автомобилларнинг тезлигини аниқлаб қолмасдан, компьютер ёрдамида ёқилғи сарфи, ташқаридаги ҳаво ҳароратини аниқлаш, шиналардаги босим мувозанатини мониторинг қилиш имкониятига эга. Корхонада Ўзбекистонда илк маротаба азот гази ёрдамида пластмасса қуйиш технологияси ўзлаштирилди. Бу янги моделлар учун эшик дасталарини шу ернинг ўзида тайёрлаш имкониятини бераётир.

— Истиқболли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган изланишлар яхши самара бермоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Мирали Қиличев. — Т-250 маркали янги автомобиллар учун янги турдаги эшик дастаси ишлаб чиқариш линиясининг ўрнатилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

ISO 9001:2008 халқаро сифат менежментига эга корхонада келгуси йилдан автомобиль салонини иситиш ва совутиш тизими бошқарув қурилмасини маҳаллийлаштириш устида иш олиб борилмоқда. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган микросхемаларни шу ернинг ўзида тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган.

*Корхонанинг экспорт географияси ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Жорий йилда 350 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.*

**Н.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири**
**С.АСЛОНОВ ЎзА олган суратлар**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

# “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Бадиий академия ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга **“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

**“Энг улуғ, энг азиз” танлови** қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **“Энг улуғ, энг азиз” танловига** деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

***100129, Тошкент шаҳри,***
***Навоий кўчаси, 30-уй.***
***Ўзбекистон матбуот ва***
***ахборот агентлиги,***
***Ўзбекистон Журналистлари***
***ижодий уюшмаси,***
***Ўзбекистон “Тасвирий ойина”***
***ижодий уюшмаси.***
***Телефонлар: 244-12-61;***
***244-64-61; 244-11-64.***

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2016 йилнинг келгуси ойлари учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat”да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**

**“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**




# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН

**БАЙРАМ ШУКУҲИ**

Яқинда Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Қарорда жонажон Ватанимиз истиқлолининг чорак асрлик айёми «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган шиор остида ўтказилиши алоҳида таъкидланган.



Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб нишонлаш учун кўрилаётган тадориклар доирасида кун сайин дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган, тараққиётимизнинг машҳур беш тамойилига асосланган ўзимизга хос ривожланиш стратегиямизнинг реал натижаларини янада чуқур идрок этиб бораяпмиз.

Қувонарлиси шундаки, қайси бир соҳани олиб кўрманг, у таълим соҳасими, соғлиқни сақлашми, саноатми, тадбиркорликми ундаги изчил ривожланишни, соҳа вакилларининг эса ўз меҳнатидан мамнун, эртанги кунидан кўнгли тўқ эканлигининг гувоҳи бўласиз.

2

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН

Бошланиши 1-бетда

Ҳақиқатдан ҳам юртимизнинг яқин ўтмишига назар солиш — аграр республика бўлган, иқтисодиётнинг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш саноати ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳалар тез суръатлар билан ривожланаётганини, куч қудрат ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Истиқлол йилларида миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, кексаларга, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш билан уйғун равишда амалга оширилди. Айниқса, баркамол авлод тарбиясига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимизнинг таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун нимаки зарур бўлса, барча имкониятлар муҳайё этилди. Таълим тизими 12 йил этиб белгиланди. 9 йил ўрта мактабда, 3 йил ўрта махсус таълим масканларида ўқиш мажбурийдир. Таълим ишлари давлат назоратида эканлиги бош Қомусимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук шахс, истиқлол ғояларига садоқатли ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълимнинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, спортнинг ўрни ундан асло кам эмас. Буни яхши англаган Президентимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. 2002 йилда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси эса ушбу вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ҳозирга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилди. Сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида эса 24 фоиздан 47 фоизга етгани катта натижадир. Замонавий, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган янги авлоднинг шакллангани юқорида келтирилган эътибор ва ғамхўрликнинг натижаси, десак адашмаган бўламиз.

Яна бир мулоҳаза, юртимизга дунё ҳамжамиятининг қизиқиши тобора ортиб, ташриф буюраётган сайёҳлар салмоғи ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий боиси Ўзбекистонда тинчликнинг устуворлиги ва барқарор тараққиёт кўрсаткичлари деб биламан. Иккинчидан она заминимиздаги тарихий обида ва қадамжоларга кўрсатилаётган эътибор ҳам муҳим омилдир.

Мустақиллик юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш каби фазилатларни тақдим этди. Унинг беқиёс аҳамиятини, бугунги таҳликали замонда огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш долзарб вазифамиз эканлигини ҳар бир юртдошимиз чуқур англамоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистонимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик қонуний асосда белгилаб берилган.

Бугун мустақиллик моҳиятини англаган, миллий ғурури юксалган юртдошларимизнинг мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси, фаол фуқаролик позицияси шаклланди.

*Мухтасар айтганда, Мустақиллик байрамига юқори даражада тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг моҳиятини англаш ҳар бир ватандошимизнинг бурчига айланади, албатта.*

**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**

# ҚУДРАТБАХШ ЙИЛЛАР

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мустақиллигимизнинг чорак асри. Табиийки бу фурсат чексиз вақт уммонида атиги бир зарра, десам адашмайман. Озодликнинг шу қисқа фурсатида қилинган ишлар, эришилган марраларни сарҳисоб этсак-чи, эҳ-ҳе, ақлу шууримиз шошади. Унинг залворию салмоғини тўла ҳис этиш ва ўлчаш учун эса «Олтиндан тарозию, олмосдан тош» зарур.

Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз танлаб олган ўзига хос ва ўзига мос йўл — тараққиётнинг «ўзбек модели» ўтган муддат мобайнида ўзини тўла-тўкис оқлабгина қолмай, бугунги кунда ҳатто жаҳоннинг энг тараққий этган жамиятлари ва давлатларига ибрат ҳамда андоза бўлаётир, десак янглишмаймиз.

Айни кунда Ватаннинг қай бир гўшасига бормайлик, улкан ўзгаришлар ва янгиланишларнинг гувоҳи бўламиз. Аммо булар шунчаки, ўз-ўзидан бўлмаётгани ҳаммамизга яхши аён. Бинобарин, ўтган йилларда юрт қудрати, иқтисодий салоҳияти мунтазам ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръатлари охирги 11 йил мобайнида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмаяпти, халқимиз турмуш фаровонлиги эса тобора юксалиб бораяпти. Айни кунда барча миқёсларда ривожланган давлатлар билан тенглашишни мақсад қилган ва ушбу саъй-ҳаракатларни изчил рўёбга чиқараётган Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг ҳавасини келтираётгани асло муболаға эмас. Зотан, диёримизнинг нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига мувофиқ, 2014−2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016−2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган беш мамлакат қаторида тургани бежиз эмас. Айтганча, истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт қарийб 6 бараварга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 12 баравардан зиёдга ўсди.

Албатта, эришилган марраларга назар ташлар эканмиз, бироз ортга чекиниб, яқин ўтмишни эсламай иложимиз йўқ. Хўш кечаги кунда бизлар ким эдик? Атиги йигирма беш йил аввал қадр-қиммати ва ғурури топталган халқ, биз — ўзбеклар эмасмидик?

Келинг, ўтган асрнинг 90-йилларини би-ир кўз ўнгимизга келтирайлик. Ўшанда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий вазият ўта оғир, у деярли барча соҳаларда собиқ иттифоқда энг охирги ўринларда турарди. Жумладан, юртимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11 фоизга пасайиб кетган эди. Халқимиз гўшт, сут маҳсулотларини собиқ иттифоқ аҳолисига нисбатан тўрт баробар кам истеъмол қиларди. Бундан ташқари, 75 сўмдан кам даромад оладиган аҳоли улуши иттифоқ бўйича 12 фоиз бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 45 фоизни ташкил этгани ҳам реал ҳақиқат.

Ўша йилларда мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашгани, айниқса, 1700 та мактабнинг авария ҳолатида бўлгани, қишлоқ аҳолисининг атиги беш фоизи ичимлик суви, 17 фоизи табиий газ билан таъминлангани ҳам айни ҳақиқатдир. Дўкон пештахталари ҳувиллаган, энг зарур истеъмол моллари — шакар, ун, ёғ, кир совун одам бошига ўлчаб берилларди. Кишилар ярим кечасидан нонга навбатга туришарди.

Пешонасига «боқиманда», «ишёқмас» деган тамғалар босилган халқнинг руҳияти синган, кўнгли ўксиган ҳолат ҳукмрон эди. Саратонда жизғанаги чиққан деҳқоннинг косаси оқариш у ёқда турсин, ҳатто қорни нонга тўймасди. Далавой ёки Пахтаой деган исмларни эшитганмиз, ўша кезларда одатда пахта даласида туғилган болаларга шундай исмлар қўйиларди. Юпун устбош, йиртиқ калишларда қорлой кечган, янги йил оқшомигача далада кўкарган ўсмир болаларнинг маъюс нигоҳлари қандай қилиб ёдимиздан чиқиши мумкин?

Ўша йилларда «пахта яккаҳокимлиги» туфайли ҳар бир таноб ер марказнинг қатъий ҳисобида турар, керак бўлса, ҳатто одамларнинг томорқасига ҳам пахта экиларди. 1989 йилнинг 17 августида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида Юртбошимиз раҳбарлигида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи кўрилиб, «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида»ги тарихий қарори қабул қилингани бугунги муваффақиятларимизнинг асоси бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Ўша қарор ижроси куйинчаклик билан амалга ошган бўлса-да, одамлар илк бор моддий ва манфаатдорлик таъмини ўз турмушларида сезди ва келажакка умиди уйғонди. Мазкур ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баравар кўпайтириш назарда тутилган эди. Натижада 1989-90 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оилаларга қўшимча ерлар ажратилди, 700 минг оилага эса янги томорқалар берилди. Ушбу хайрли қадам шарофати билан мамлакатдаги ижтимоий кескинликнинг олди олинди. Минг-минглаб кишиларнинг уйли-жойли, яъни «ватанли» бўлишига эришилди.

Мустақиллик, ютуқлар ҳақида ифтихор ила гапирар эканмиз, кимлардир булар шундай, осонгина амалга ошиб қолган экан-да, дея ўйлашлари ҳам мумкин. Мени маъзур тутасиз, ҳолва деган билан оғзингиз чучийдими? Ҳа, ўлманг. Инчунун, бизлардан анча аввалроқ мустақилликка эришган бўлса-да, ҳали ҳам ўзини ўнглай олмай юрган давлатлар дунёда камми? Демак, бу ўринда асосий масала эришилган мустақилликни изчиллик билан мустаҳкамлаб бориш, бундай улуғвор ва беқиёс юмушга бутун мамлакат аҳлининг бошини бириктириб сафарбар этишда экан.



Таъбир жоиз бўлса, истиқлол ўзбек халқи азалий орзусининг ушалиши, бетимсол, беқиёс бир тарихий эврилишдир. Адл ва ҳақ тарозусининг посангисини тўғри тутган, мазлум элнинг дардларига дармон бўладиган раҳбарнинг давлат тепасига келиши эса халқимиз бахтининг кулгани эди. Меҳнаткаш ва олижаноб миллатимизнинг кучли сабр-иродаси, Юртбошимизнинг улкан жасорати, матонати ҳамда закоси бизни бундай дориламон кунларни кўриш саодатига етаклагани учун бугун Яратганга беҳад шукроналар айтсак кам.

Инсон омилига эътибор ва муносабатда «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг бахт-саодати, фаровон ҳаётини таъминлаш учун» деган тамойилнинг доимий устувор бўлиб келганлиги ҳамма ютуқларимизнинг асосий калити бўлди, десак хато қилмаймиз. Истиқлолнинг илк йилларидаги оғирчиликлар ва эришилган дастлабки ғалабалар ҳеч қачон хотирамиз кўзгусидан ўчмайди. Ватанимизда ғалла ва нефть мустақиллиги таъминлангани яхши эсимизда. Асакада илк ўзбек автомобиллари конвейердан чиққани, Учқудуқ—Мискин—Нукус темир йўли барпо этилгани, шаҳру гузарлардаги ободликлар, кўприклар ва йўллар, коллеж ва лицейлар қурилганини ёддан чиқариб бўладими? Улар мустақиллигимизнинг беназир ва кўркам иншоотлари эди. Бунёдкорликлар, қурилишлар миқёси эса йилдан-йилга эмас, балки ойдан-ойга кенгайиб борарди.

Қисқа фурсатда аграр мамлакатдан иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етган, қолаверса, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан ошган илғор давлатга айландик. Ватанимизнинг юксак индустриал давлатга айлангани бу шунчаки оддий воқеа эмас. Бу улкан ва оламшумул ғалаба! Бунга эришишимизнинг боиси шуки, илк қадамларданоқ бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Йилдан-йилга бу ишлар изчил давом эттирилди. Айтайлик, мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳалар учун биргина ўтган йилда жалб этилган инвестицияларни олинг. Ана шу мақсадлар учун 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинибди. Ушбу сармояларнинг 67,1 фоизи бевосита янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилибди. Бу эса ўтган йилда жами 7 миллиард 400 миллион доллар миқдоридаги 158 та йирик ишлаб чиқариш объектининг қурилиб, ишга тушишига имкон туғдирди. Хусусан, Тошкент иссиқлик станциясида 370 мвт қувватга эга буғ газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЭСи гидрогенератори модернизация қилинди ва ҳоказо. Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газкимё мажмуаси булар орасида алоҳида ўринга эга. Жами

# ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ НЕГИЗИ

## ёхуд ҳуқуқий саводхонлик сари

## ҲУҚУҚИЙ ОНГ ЮКСАКЛИГИ – КОМИЛЛИК КАФОЛАТИ

Маълумки, ўзлигини англаган инсонгина жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Шу боис, мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришга энг олий қадрият сифатида доимий эътибор бериб келинади. Халқимизнинг ўзлигини англаши, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий саводхонлик, фуқаролик позициясини шакллантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ўз вақтида қилинган саъй-ҳаракат эртага албатта ўз самарасини бериши тайин.





“Hurriyat” газетаси таҳририяти ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ҳуқуқий онг юксаклиги – комиллик кафолати” лойиҳаси асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти лицей-коллежлари миқёсида туркум тадбирларни амалга ошириб келяпти.

Навбатдаги ана шундай машғулот Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Каримов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Адиба Умирова, “Hurriyat” газетаси ходимлари, ҳамда коллеж педагогик жамоаси, ўқувчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, келажак авлодни қадриятлар асосида тарбиялаб камол топтириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат натижасида мамлакатимиз жуда қисқа давр — 25 йил ичида жаҳон афкор оммаси томонидан юксак суръатларда ривожланаётган, инсон ҳуқуқлари таъминланган давлатлардан бири сифатида эътироф этилди. Бироқ бу ютуқларни қўлга киритиш осонликча бўлмаётганини бугун ҳар биримиз яхши англаймиз.

Кейинги йилларда минг-минглаб бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлган Сурия, Ироқ, Украина, Афғонистон ҳудудларидаги нотинчлик, ўша мамлакатлардаги диний, ирқий можаролардан азият чекаётган аҳолининг турмуш тарзи ҳар биримизни ҳушёр торттирмоғи керак, аслида. Зеро, мамлакатимизда олиб борилётган ҳар бир ислоҳот замирида юртдошларимизнинг шу аҳволга тушмасликлари учун инсон манфаатларини қадрлаш ётганлиги қайта-қайта ўз исботини топмоқда. Мисол учун иқтисодиёт соҳасида — хусусий тадбиркорларга бериладиган кредитнинг кам фоизлилиги, солиқларнинг дастлабки уч йилда олинмаслиги, чет элдан инвестиция киритиш имкони мавжудлиги кўпгина давлат бизнесменлари учун фақаттина орзу десак янглишмаган бўламиз. Таълим соҳасида 9+3 — ўн икки йиллик бепул, узлуксиз таълимнинг жорий этилганлиги, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига шахсий бизнесни ташкил этиш учун имтиёзли кредитнинг берилиши, олий ўқув юрти талабаларига таълим кредитларининг ажратилиши дунё таълим тизимида янгилик, десак хато бўлмайди. Юртимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг бирламчи вазифага айлангани, ишонч телефонларининг жорий этилиши... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Тадбирда билдирилган бу борадаги фикрлар ёшлар томонидан илиқ кутиб олинди.

— Биласизми, ривожланган мамлакатларнинг бирида “солиқлардан ва худодан қочиб бўлмайди”, деган гап юради. Бу солиқларнинг жудаям кўплигидан эмас, балки аҳолининг қонунга қатъий риоя қилиши ва ҳурмати натижасида пайдо бўлган қараш, назаримда. Айрим одамлар, масалан, солиқлардан бўйин товлашга, даромадларини яширишга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, тўланаётган солиқлар ўзимиз учун сарф этилади-ку! Айтмоқчиманки, фуқароларимиз нафақат ўз ҳуқуқларини, балки бурчларини ҳам яхши билишса, жамиятимизда узлуксиз тараққиёт жараёни юзага келарди, — дейди тадбир иштирокчиси Сабина Баротова.

Дарҳақиқат, ҳуқуқ ва бурчларни яхши англаш, уларга риоя қилиш жамиятни турли иллатлардан асрайди. Биргина мисол, кишиларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаганликлари натижасида янги асрда “одам савдоси” деган разил “касб” пайдо бўлди. Ҳуқуқий саводсизлик, қонунлардан бехабарлик миллионлаб эркин фуқароларни “қул” деган тамға остида ҳаёт кечиришига олиб келяпти. Афсуски, улар орасида юртдошларимизнинг ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида юртимизнинг энг чекка жойларида ҳам ҳуқуқ- тартибот идоралари ходимлари, оммавий ахборот воситалари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан доимий, изчил равишда тушунтириш ишлари олиб борилиши қувонарли ҳолат. Мақсад – халқимиз онгини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали уларни янгидан-янги зафарларга чоғлаш, ўзлигини намоён этиш учун имкониятлар яратишдир.

Машҳур сиёсатчи Маҳатма Ганди шамол кириши учун деразамни очиб қўяман. Лекин ундан кирган тўфон уйимни остин-устун қилишини ҳам хоҳламайман, деган экан. Аслида у бугун бутун дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнига ана шундай тарзда таъриф берганди. Дунё миқёсида юз бераётган бу қизғин ва тўхтатиб бўлмас жараёнда энг қудратли қурол – ахборот бўлиб қолди. Эндиликда бир давлатни бошқариш, унга таъсир ўтказиш учун унинг ҳудудига қурол кўтариб кириш шарт эмас. Балки, “тинч” йўл билан кирилади — шунчаки ахборот хуружи қилинади мазкур мамлакат аҳолисига. Натижада “ирқи олийлик даъвоси”, “миллатчилик жазаваси” бошланади. Бу каби ахборот хуружларидан эса аҳолининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш билангина сақланиш мумкин. Мафкуравий иммунитет – унинг бугун қандай шакллантирш мумкинлигини яхши англаб етдик: ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан! Шу маънода мамлакатимизда ҳам ахборотнинг асосий манбаи — ОАВга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда, юртдошларимизнинг асрий анъана, қадриятларга ҳурмат руҳини уйғотиш билан бирга, дунёда юз бераётган воқеликларга теран нигоҳ, ҳаққоний таҳлиллар билан ёндашишни шакллантириш миллий журналистикамизнинг энг бирламчи вазифаларидан бири саналади.

Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежи анча вақтдан буён “Hurriyat” газетаси билан ҳамкорлик қилиб келади. Коллеж ахборот ресурс-маркази мудири Зилола Қаюмхўжаева бошчилигида коллеж ўқувчилари газета саҳифаларида ёритилган шарҳлар, мақолалар, долзарб муаммолар ёритилган материаллар асосида баҳс-мунозара қилиши анъанага айланган.

— Ўқувчиларимиз газетани яхши кўриб ўқийди. Айниқса, жамият ҳаётига доир мақолалар улар учун қизиқ. Ҳар битта одам — битта олам дейишади-ку. Шу боисми, уларнинг ҳар биридан турфа фикрлар, мулоҳазаларни эшитаман. Мени ҳайрон қолдирадигани, кўпгина мақолаларда айни биз айтишни истаган, айтолмаётган гапларнинг бўлиши. Хулоса, ечим эса умуман кутилмаган ва ўринли эканлигидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўқувчиларимизнинг нафақат ҳуқуқий балки бошқа соҳалардаги билимларини оширишда “Hurriyat” газетаси таҳририяти бизга яхши ҳамроҳ бўляпти — дейди АРМ мудири.

Қизғин савол-жавоблар билан ўтган мазкур тадбир якунида таҳририят томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиққан ўқувчилар газетага бир йиллик бепул обуна ташкил этиш ҳақида дипломлар билан тақдирланишди. Ўтказилаётган бу каби тадбирлар кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари ташланаётган қадамларнинг собит бўлишига пойдевор бўлиб хизмат қилади, албатта.

**Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**“Hurriyat” мухбири**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.*

# САОДАТИ

қиймати 4 миллиард доллардан зиёд мажмуа дунёдаги энг замонавий, энг юқори технологиялар асосида ишлайдиган йирик корхона ҳисобланади. Албатта, бу борада ҳали олдинда юксак марралар турибди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизациялаш ва диверсификация қилиш ҳисобидан етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш шулар жумласидандир. Ушбу ниятлар рўёбга чиқиши натижасида 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажми 2 баравардан зиёдга ошади, иқтисодиёт таркибида саноатнинг улуши 40 фоизга етказилади.

Нима ёмон, бировга қарамлик ёмон. Бу қарамлик ўта муҳим эҳтиёж, яъни озиқ-овқатга дахлдор бўлса, айниқса, ёмон. Бир пайтлар, аниқроғи 90-йилда аҳолимизнинг асосий озиқ-овқат товарлари, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли импорт ҳисобидан қондириларди. Энди-чи? Энди уларнинг 96 фоизи мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Мана бугун, ёзнинг авжи пишиқчилик кезларида бозорларимизу супермаркетлар пештахталарида турли-туман мева-сабзавотлар, полиз экинлари сероб. Уларнинг сифати, арзонлигини айтинг. Бундай сероблик, тўкинлик замирида аввало фермер, миришкорларимизнинг заҳматли меҳнати ва она зминимизнинг саховати ётибди. Биродарлар, жаннатмонанд юртимизга, саховатли дала ва боғ-роғларимизга асло-асло кўз тегмасин, деймиз.

Ўрни келганда қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берганини айтиб ўтмасак гапларимиз қиёмига етмайди. Бугун қатъий изга тушган фермерчилик ҳаракати ҳам истиқлолимизнинг мевасидир. Эндиликда фермер хўжаликлари 90-92 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан кифояланиб қолмай, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган кучли ижтимоий ҳаракатга айланиб улгурди.

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида «Ашур Мамаражаб» номли фермер хўжалигини биламан. Раиси Фахриддин Қўзиев ишчан, изланувчан йигит.

— Жами 77 гектар майдонимиз бор, — дейди у биз билан суҳбатда. — Шундан 33 гектарига ғалла, 30 гектарига эса пахта экиб, деҳқончилик қилиб келаяпмиз. 2006 йилдан буён ғалла ва пахта ҳосилдорлигини гектарига 40 центнердан кам қилмаяпмиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ, тер тўкиб меҳнат қилинмаса, бунга эришиб бўлмайди. Ҳар қандай янгиликни амалиётга жорий этиш осон эмас. Дастлабки йилларда техника таъминотида, умуман, хўжаликни юритишда маълум муаммоларга дуч келганимиз ҳам бор гап. Аммо бугунга келиб хўжалигимиз тўла оёққа туриб, кўп тармоқли хўжаликка айланди. Техникаларнинг исталган туридан бор. Эндиликда пахта, ғалладан ташқари қўйчилик ва йилқичилик билан ҳам шуғулланаяпмиз. Айни пайтда 100 бошдан зиёд қўй ва 20 га яқин отларимиз бор. Жорий мавсумда 120 тонна сара уруғлик ғаллани омборларга топширдик. Хўжалик аъзоларининг ҳар бирига ҳам 500-600 килограммдан ғалла бердик. Ишчиларимиз вақтида ойлик маошларини олишаяпти, қишлоқдаги кам таъминланган оилалар ҳам доимий эътиборимизда. Хўжалик даромади ҳисобидан ҳар йили маҳалла кўчаларининг 2-3 километрига шағал ётқизиб бераяпмиз. Куни кеча фермер хўжалиги кўмагида 36 нафар отахон-онахонимиз ал-Ҳаким ат-Термизийни зиёрат қилиб қайтишди. Рўзайи рамазондан кейин кексаларимизни Самарқандга, Имом Бухорий бобомизнинг зиёратига олиб боришни ният қилиб турибмиз.

Фахриддин Қўзиев билан суҳбатимиз қўр олиб, бирпасда анча-мунча гурунг қилиб қўйибмиз. Фермернинг ҳамма гапларини мазза қилиб эшитдиму, аммо мана бу сўзларини сизларга ҳам етказишни ўзимга фарз, — деб билдим.

— Очиғи, бугунги кунларни кўзимизга тўтиё қилсак арзийди, — деди фермер ҳаяжон билан. — Нега десангиз, чорак аср аввал шу қишлоқда бириккита «жигули» ва «москвич» улови бўларди. Бугунга келиб ҳар икки хонадоннинг бирида «Нексия», «Ласетти», «Спарк». Авваллари битта уй қуриш учун йиллаб овораю сарсон бўлардингиз. Бугун эса марҳамат,



имтиёзли кредитга замонавий намунали уйлардан истаганингизни олаверинг. Хўш, шундай экан, бу кунларнинг садағаси кетсангиз арзимайдими?

Қишлоқ хўжалиги ҳақидаги гапни давом эттирадиган бўлсак, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганини айтмасдан бўлмайди. Нега десангиз, бу ҳам ўта муҳим масала. Ҳозирга келиб мева-сабзавотларни сақлайдиган омборларнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Демак, эндиликда йил давомида нархлар кескин ошиб кетмайди, аҳолимиз асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланади.

Истиқлолга дахлдор яна бир гап, ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,5 марта, картошка — 1,9 марта, сабзавот— 2,6 баробардан ортиқ кўпайибди. Бу дегани, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга мустаҳкам пойдевор десак, тўғри бўлади. Дарвоқе, ўтган йили мамлакатимиз БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти(ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 та давлатдан бири деб эътироф этилди.

Таъкидлаш керакки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ҳамда бошқа умуммиллий дастурлар жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солинди. Булар эса эндиликда замонавий янги авлод кадрларининг таълим ва тарбиясида мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилаётир.

Бугун барча инсоният ўта нотинч, таҳдидли ва таҳликали даврда яшаётгани ҳаммамизга кундай аён. Очиғи, тинчлик ва барқарорлик борасида эзгу ниятлар билан кириб келган, бир-бирига қарама-қарши тузумлар барҳам топган XXI асрдан умидларимиз анча катта эди. Лекин шунга қарамасдан, тинчлик мавзуси инсоният олдидаги ечиб бўлмас муаммога айланди. Тинчлик ва осойишталикка раҳна солаётган, жаҳоннинг турли бурчакларида уруш оловини ёқишга уринаётган кучлар инсониятга жиддий хавф солиб турибди. Турли геосиёсий манфаатларни кўзлаётган кучларнинг дунёни қайтадан тақсимлаш йўлидаги хомхаёллари адолатпарвар ва тинчликпарвар инсониятни, шу жумладан, доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган элдошларимизни хушёрлик, огоҳликка чорлаши турган гап. Айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини бугун жаҳон жамоатчилиги очиқ ва равшан кўриб турибди.

Биламизки, мамлакатимиз раҳбарияти ҳамиша ва ҳар доим дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори бўлиб келаётир. Инчунун, Ватанимизнинг ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслиги ёки юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилиши ва ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатларда жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик каби масалаларда Ўзбекистоннинг позицияси қатъий. Ватанимиз, халқимиз тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан бундан кейин ҳам ҳеч қачон оғишмайди.

*Сўзимизни мухтасар этсак, биз ўтган чорак аср мобайнида юз берган кўпгина тўсиқ ва қийинчиликларга қарамасдан, барча соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширдик. Халқимизнинг аҳиллиги ва якдиллиги, мамлакат раҳбарининг узоқни кўра билиш лаёқати туфайли юксак довонларни забт қилиш бизга насиб этди. Шундай катта шодиёналар остонасида турар эканмиз, аввало юртимизга, мустақиллигимизга асло кўз тегмасин, байрамларимиз байрамларга, тўйларимиз тўйларимизга уланаверсин, деймиз.*

**Абдумажид АЗИМОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби**

**ТАДБИРКОРЛИК**

Юртимизнинг табиий иқлим шароити асаларичиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Бундан ташқари, боларилар ўсимлик гулини чанглатиб, ҳосилни оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз аҳамиятига кўра, асал олишдан ҳам муҳимроқ жараёндир. Қолаверса, асал, мум, гул чанги, прополиси, сути ва заҳри жуда қимматбаҳо неъмат саналади.

## Фермер омилкор бўлса



Уларнинг инсон саломатлигидаги ўрни бениҳоя муҳим ва фармацевтика саноати учун зарур хомашё ҳисобланади. Асаларининг экологияга ижобий таъсири ҳам фанда ўз исботини топган.

Бугун Фарғона вилоятида ҳам асаларичилик йўналишида қатор ютуқлар қўлга киритилиб, соҳа вакиллари қўллаб-қувватланмоқда. Бундан 12 йил муқаддам фаолиятини бошлаган "Ёрмозор Ихлос" фермер хўжалигининг саъй-ҳаракатларида ҳам ана шу омил муҳим аҳамият касб этаётганини англаш қийин эмас. Сабзавотчилик ва асаларичиликка ихтисослашган хўжаликда айни дамда 45 та асалари оиласи парвариш қилиниб, йилига 500 килога яқин шифобахш асал олиняпти.

– Асаларичилик билан ёшликдан шуғулланиб келганмиз. Жуда қизиқарли, ноёб ва сердаромад бўлган бу соҳага кўпчиликнинг қизиқиши баланд, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Собиржон Нορматов. – Қолаверса, минг дардга даво асалнинг фойдали жиҳатини халқимиз жуда яхши билади. Бугун хўжалигимизда ёшлар – коллеж ўқувчилари ҳам касб сирларини ўрганяпти.

"Ёрмозор Ихлос" фермер хўжалиги жамоаси айни дамда асаларичилик каби бошқа йўналишларни ҳам жадал ривожлантиришга ҳаракат қиляпти. Хўжалик тасарруфидаги 15 гектар ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Яқинда Президентимиз томонидан "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор ўз навбатида истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан тўлдириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича янги тизим яратиш имконини беради. Табиийки, бунда фермер хўжаликларининг ҳам муносиб ўрни бор. Шу мақсадда ҳар йили давлат шартномаси асосида "Ёрмозор Ихлос" фермер хўжалиги томонидан 20 тоннадан зиёд буғдой, 200 килога яқин пилла маҳсулоти етказиб берилмоқда. Шунингдек, фермер ташаббуси билан Фарғона ва Марғилон шаҳар деҳқон бозорларига мева ва сабзавотларнинг арзон нархларда тақдим этилаётгани элимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашда катта ҳисса бўлмоқда. Бунда албатта оиладаги ва жамоадаги ҳамжиҳатликнинг аҳамияти катта. Бу борада омилкор фермернинг ўзи шундай дейди:

– Ерни эъзозлаган барака топади. Саховатли заминимиздан топилган даромадимиздан орттириб, фаолиятимизни баҳоли қудрат кенгайтиришга интилдик. Натижада хўжалигимизда 12 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Қолаверса, ўғилларим Исмоилжон, Раҳматилло, рафиқам Махфиратхон, келиним Дилнозахон хўжаликдаги ҳар бир юмушда камарбаста.

Ҳозирда 20 бош қорамол, 50 дан ортиқ парранда боқилаётгани хўжаликда наслчилик соҳасига катта эътибор қаратилаётганининг яққол далилидир. Фермер хўжалиги турли тармоқларда ўз салоҳиятини намоён этаётгани диққатга сазовордир.

**Мадаминжон СОЛИЖОНОВ**

**ЎЗЛИККА НАЗАР**

Айни дамда ижтимоий тармоқлардан кўпчилик фойдаланади. Кимдир кўнгил ёзиш, дўст орттириш учун, яна биров янгиликлардан хабардор бўлиш мақсадида уларга мурожаат қилади.

# ЯХШИ ЯШАШ СИРИ

Яқинда бир киши собиқ иттифоқ даврида бир тийинлик тангаларга ҳам бирор нима олиш мумкин эди, деган мазмундаги жумлани муҳокамага ташлабди. Бу билан гўё ўша вақтда арзончилик бўлганига шама қилибди. Буни ўқиб ҳали-ҳануз атрофимизда мустақиллик, озодлик каби неъматларнинг қадрини англамаган кишилар борлигидан ҳайратланасан, киши. Наҳотки, улар фақат қора рангларни кўриб, хулоса чиқаришни ўринли деб билишса?! Дунёни фақат моддий бойликлардан иборат деб ўйлашса?! Ён-атрофда бўлаётган ўзгаришлару бунёдкорлик ишларига эътибор бермай, иллат қидириш билан овора бўлишса?!

Мана, мамлакатимиз истиқлолнинг 25 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Бу даврда озмунча ютуқлар қўлга киритилдими?! Чорак аср мобайнида давлатимиз дунёда ўзининг эътиборли ўрнига эга бўлди. Оқсаб, инқирозга юз тутган иқтисодиёт оёққа туриб, эндиликда жаҳонда энг тез ривожланаётган мамлакатлар қаторида турибди. Аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб, деярли ҳар бир оила ўз енгил автоуловига эга бўлди. Ҳатто, баъзида оиланинг ҳар бир аъзосига биттадан машина тўғри келяпти. Бундан ташқари, давлатимиз эришаётган ютуқларни турли халқаро ташкилотлар эътироф этиб, тараққиётимизга тан бераётганини бундай инсонлар эшитмаганига ҳам ишониш қийин.

Яна бир мулоҳаза: бир йиғинда турли касб кишилари билан ўтириб қолдик. Уларнинг айримлари ўз муаммоларини достон қилишу, нолишдан бошқасига ўтмади. Тўғри, беш қўл баравар эмас. Дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Бироқ, ҳануз боқимандалик кайфиятидаги, ўз ҳаётидан нолийдиган кишилар борлиги ачинарли ҳол. Уларнинг назидида омадсизлиги, қисматларига жамият айбдордек. Афсуски, ҳамма нарса ўз меҳнати хатти-ҳаракатининг самараси эканини англашмайди.

Шундай пайтда ҳадеб собиқ тузумни қўмсайверадиган, ҳаётидан нолийдиган кишиларга бир бозорларни, савдо дўконларини томоша қилинг, дегинг келади. Негаки, бозорларимизда тўкин-сочинлик, арзончилик. Дунёнинг кўп нуқталарида бўлаётган олатасирлар билан қиёслаганда, бирор киши оч ёки кўчада қолаётгани йўқ-ку! Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси ечилган-ку! Ҳолбуки, йигирма беш йил муқаддам бирор қишлоқ дўконига бир қоп парварда олиб келиб қолишса одамлар турна қатор бўлиб навбат кутишарди. Ҳозирчи? Ўзимиздан бемалол орттириб четга ҳам маҳсулот етказиб берилаётир. Қолаверса, сўнгги йилларда бозорларимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг нархи тўрт фаслда айтарли даражада ўзгаргани йўқ. Бу каби тўкинлик, арзончиликнинг шукронасини қилмасак нонкўрлик билан баробар.

"Топганим рўзғорга етмаяпти", дея дийдиё қилаётганлар шулар ҳақида ўйлаб кўрса яхши бўларди. Бир оддий ҳақиқатни тан олайлик – маошимиз қанча кўпайса, харажатларимиз ҳам шунга яраша ошиб бораверади. Жайдари қилиб айтганда, бошида буханка ейдиган киши, топиши яхши бўлса, ёпган нонга, кейин патирга ўтади. Ёки ишхонага уйидан тушлик кўтариб бораётган киши кўпроқ пул топса, ресторанда овқатлангиси келиб қолади. Бу табиий. Ўтган кунимиз билан бугунни солиштираётган ўша ношукрларнинг иши ҳам худди шу мисолга ўхшайди. Ҳа, инсоннинг имкониятлари кенгайиб борган сари нафси ҳам ҳакалак отиб боравераркан. Боқиманда кишилар эса ишламай туриб, тишлашни истайди. Бундай хомхаёллар ҳозирги шиддат билан ривожланаётган замонамизга тўғри келармикан?..

Шу юртнинг фарзандиман, деган киши камчиликларни жар солиб айтиш эмас, балки уни ҳал қилишга ҳисса қўшиш, жамоатчиликка эргашиб, бир иморатга ҳеч бўлмаганда бир ғишт қўйиб бурчини адо этиши зарур.

Сўнгги йилларда жамоатчилик назоратини ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати тўғрисидаги қонунлар ҳам ана шу мақсадда қабул қилинган. Уларнинг барчасида жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқароларнинг фаоллигини оширишга урғу берилган. Бу қонунларни амалга ошириш эса ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Шундагина жамиятимиз янада фаровон бўлади, юртимиз бундан-да, тараққий этаверади.

Айни дамда Ватанимиз кенг имкониятлар майдонига айланган. Ҳар бир фуқаро ўз меҳнати кучи билан орзу-истакларига эришиши мумкин. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган имкониятлар аҳолининг турмуш фаровонлиги гарови бўлаётир десак, янглишмаймиз. Ҳозир ҳар бир маҳаллада ўнлаб ишбилармонлар фаолият юритиб, ҳам ўзининг, ҳам маҳалладошларининг, қолаверса, юртимизнинг равнақига ҳисса қўшишмоқда. Ишнинг кўзини билган бундай тадбиркорларни кўриб, "қандингни ур, ишбилармон, омадингни берсин" дейсан, киши. Ишлаган тишлайди, деганлари шу бўлса керак-да. Таассуфки, буни тушунмай "олма пиш оғзимга туш" дея иш тутиб, осмондан чалпак ёғишини кутиб ётганларга булар сабоқ бўлмаётир. Уларга "кўзингизни очинг, ён-атрофга назар солинг, замон билан ҳамнафас бўлиш пайти келди", дегинг келади. Қўлидан бирор иш келмагач, борига қаноат қилиш, тинчлик замонига шукроналик келтириб яшаш ҳам бир ҳикмат. Чунки энг катта неъмат айни дамда тинчликдир.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқларда айрим гуруҳлар томонидан жамиятимизда кузатилаётган баъзи камчиликларни бўрттириб келтириш орқали ўз мулоҳазаларини билдиришмоқда. Мавжуд вазиятни тўғри баҳолай оладиганлар эса уларга муносиб жавоб қайтаришмоқда. Бу ижобий ҳолат. Чунки бирор масаланинг кўтарилиши алалоқибат унинг тўғри ҳал этилишига олиб келиши тайин.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа ҳақида: бир киракаш амаки ўғли 30 ёшдан ошган бўлса-да, бирор ишнинг бошини тутмаганини гапириб қолди. Айтишига қараганда ўғли "селхоз"ни битиргану ҳеч қаерда ишламас эмиш. Неча жойга ишга таклиф қилишибди. Аммо унга ё маоши, ё шароити тўғри келмабди. Ёши эса ўтиб боряпти...

Ҳа, отанинг куюнганича бор, айни дамда айрим ёшлар бирдан бойиб кетгиси, ҳамма нарсага, яъни машинаю данғиллама участкаларга бирдан эришиб қолишни хоҳлайди. Бундай орзу-ҳавас билан юрганлар орасида олий ўқув юртини битирган бинойидайлари ҳам бор. Улар билан суҳбатлашсангиз, худди ўша амакининг ўғлига ўхшаб маоши камлигидан нолийди. Ким унга бирдан "бошлиқ бўл" ёки "мана сенга шунча миллион ойлик" дейди. Шуни ҳеч хаёлига келтирмайди. Уларга "шунча йил ўқидинг, кетган сарф-харажат, умрингга ачинмайсанми?" деб кўринг. Аксинча, сизни замондан орқада қолганликда айблаб, осмондан келади. Гўё энг сўнгги чора хориждан бирдан бойиб келиш эмиш. Афсуски, бу борада барчага бирдек омад келмаслиги мумкин. Буни кўрган-билганларимиз айтиб турибди.

Яқинда анчадан буён кўришмаган танишим билан суҳбатлашиб қолдик. Бир пайтлар у корхонада оддийгина ишчи эди. Айтишига қараганда омади келиб, ишбилармон бўлибди. 4-5 йил ичида ҳовлию машина сотиб олгани ҳақида оғзини тўлдириб гапира кетди. Ҳар кимнинг ризқи ҳар ердан, деган гап бор. Қисқаси, ҳамманинг ўз йўриғи бор. Танишимга ўхшаб тинимсиз меҳнат қилаётганлар, тунни кундузга улаётганларга эса "ҳалолинг бўлсин", деймиз. Ёшларимиз ҳам ҳаётнинг ана шу ҳикматини тушуниб, ишбилармон кишилардан ўрнак олиши ёки борига қаноат қилишни ўрганиши керак, назаримизда.

Ҳамманинг нияти — яхши яшаш. Лекин фаровон яшаш учун қўша-қўша машина, участкалар бўлиши шартмикан?! Биргина оиланг бут, соғ-саломатлигинг, яшашга бошпананг борлигининг ўзи яхши яшаш эмасми? Яхши яшаш сири, балки қаноатдадир. Шу ҳақда бир ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди...

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Жиззах шаҳридаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази капитал таъмирдан чиқарилган янги бинода иш бошлади.

## МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган марказнинг очилишида Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013—2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ иншоотда 631 миллион сўмликдан ортиқ капитал таъмирлаш ишлари бажарилди, – дейди марказ раҳбари Даврон Мамадиев. – 1 минг 400 ўринли амфитеатр, "Сангзор" халқ ҳаваскорлик жамоаси, "Гулираъно" болалар рақс ансамбли, "Бобурхон" доирачилар гуруҳи, бадиий гимнастика, шахмат-шашка, мусиқа тўгараклари учун барча қулайлик яратилди.

Тадбирда ҳаваскорлар ва вилоят бадиий жамоалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ушбу марказ 2013—2018 йилларда туман ва шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш марказларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича белгиланган вилоят дастурига мувофиқ жорий йилда ишга туширилган иккинчи иншоот. Бундан аввал Пахтакор тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилган эди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Ахборот хизмати: ТАЛАБ ВА ИМКОНИЯТЛАР

**ОЧИҚЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

"Ахборот хизмати" атамасининг пайдо бўлганига жудаям кўп вақт бўлгани йўқ. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, яъни вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар тизимида бу хизматнинг айни кундаги ўзига хос ўрни ва аҳамиятини эса "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун юксак даражага кўтариб қўйди.

Ушбу қонун давлат бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини, яъни улар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти, мақсадидан кенг жамоатчилик ёки ҳар бир фуқаро, шуни истаса, хабардор бўлиши мумкин эканини зарурият сифатида кун тартибига қўяётган, демократик тамойилларни ўзига мужассам этган ўта муҳим ҳужжатдир. Қувонарли жиҳати, Ахборот хизмати атамаси айнан шу қонунда ўзининг батафсил ифодаси, талқини ва баҳосига эга бўлди.

Қонуннинг 24 моддасидан 10 таси Ахборот хизматининг мақоми ва вазифаларини белгилаб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс бўлмиш Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради. Ахборот хизмати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ахборот хизматининг фаолиятини ташкил этиш тартиби давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланади.

Айни ушбу модданинг фаолиятимизга дахлдорлигини эътиборга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати мисолида бу ишларнинг қай даражада рўёбга чиқаётгани, бунда қайси жиҳатларга эътибор кўпроқ қаратилаётганига тўхталиб ўтсак.

Пойтахтимизнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини тарифлашга ортиқча ҳожат бўлмаса керак. Бир сўз билан айтганда, миллионлаб аҳолига эга бўлган шаҳарда турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Коммунал, транспорт, маиший-маданий хизматлар, ободонлаштириш, қурилиш соҳаларидаги жараёнлар кенг кўламли ахборотлар алмашинуви заруратини талаб этади.

Маълумки, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳар йили йўлларда режали равишда таъмирлаш ишларини олиб боради. Агар шу юмушларнинг бир ойлик жадвали ҳокимлик сайти орқали аввалдан эълон қилиб борилса, кўпчилик кўрсатилган вақт давомида ўша иш олиб борилаётган кўчаларни билиб, имкон қадар бошқа йўллардан юришга ҳаракат қилади. Бундай амалиётни ўз вақтида йўлга қўйганимиз учун ҳам транспорт эгалари олдиндан хабардор бўлиб, йўналишларни қийналмай ўзгартиришяпти. Ортиқча тирбандликларнинг олди олиниб, йўловчиларнинг вақтлари бесамар кетмаяпти. Бу оддий мисол.

Ёки коммунал хизматлар борасидаги ҳамкорлик ҳақида. Ҳар йили куз-қиш мавсуми поёнига етгач, яъни апрел-май ойларига келиб пойтахт коммуналчилари янаги кузга тадорикни бошлашади. Чунки пойтахтдаги кўп қаватли уйларнинг сони юзлаб ва уларга иссиқлик, электр, газ, иссиқ ва совуқ сув етказиб бериш ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Айниқса, эскириб бораётган массивларда муаммолар ҳам кўпайган.

2011 йилдан эътиборан барча туманлар ҳокимларининг аҳоли билан очиқ мулоқотлари ташкил этила бошланди. Бундай мулоқотлар телевидениеда, кейин бевосита туманларда юзма-юз учрашувлар тарзида ёзиб олиш йўли билан ташкил этилган бўлса, кейинроқ бевосита, яъни жонли эфир орқали амалга оширилмоқда.

Устувор масала сифатида коммунал хизматлар бўйича аҳолининг талаб ва истакларини ўрганишга хизмат қилувчи ушбу мулоқотлар, биринчидан, бу борадаги ишларнинг реал аҳволини янада ёрқинроқ кўрсатиб берган бўлса(бу айни ҳокимликларнинг манфаатли жойи), иккинчи, энг муҳим жиҳати, аҳолидан тушган мурожаатлар ўша йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастурларида мужассам топади. Бу — ўша қонундан кўзланган бош мақсад — давлат ҳокимияти органлари қабул қилаётган қарорларда **фуқаролар иштироки**, уларнинг манфаатлари акс этишининг ҳаётий ижросига айланади. Амалда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган бевосита эфир шаклидаги очиқ мулоқотларда юзлаб юртдошларимизнинг сўровлари ўз амалий ифодасини топмоқда. Бу мурожаатлар ҳам, қонунда кўзда тутилганидек, фуқароларнинг ёзма, расмий мурожаатларидай кучга тенг, демак, ўтган уч йил давомида бундай мурожаатлар сони бир неча баробарга ошишига, энг қувонарлиси эса, уларнинг ижрога қаратилишига эришилди.

Мазкур қонун қабул қилингач, эътибор берилса ҳар қайси йўналишдаги ташкилот ва идоралар матбуот анжуманларини ўтказиб бошладилар. Илгари журналистлар ва жамоатчилик билан учрашувлардан ҳадиксираб турадиган баъзи раҳбарлар ҳам қонун талабидан келиб чиқиб энди бундай мулоқотларга ўзларини чоғлаяптилар. Шуни эътиборга олиш лозимки, матбуот анжуманлари мисол учун туман ҳокимлари иштирокида ёки бирор бошқарма раҳбари иштирокида ўтказилса, унда муайян давр мобайнида устувор йўналишларда қилинган ишлар ҳақида тақдимотлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бизда биринчи бор ўтказилган матбуот анжуманларида, ҳатто мазкур анжуман қаҳрамони бўлган раҳбар ўз тумани ёки бошқармаси ҳақидаги паспорт маълумотларини ҳам тақдим этди. Чунки, баъзида архитектура билан қурилиш ташкилотини, йўлсоз билан транспортчининг вазифаларини аниқ-тиниқ фарқламайдиганлар топилади. Анжуманларнинг факт ва рақамларга бой, қизиқарли бўлишида Ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари вакилларини унга маълум маънода тайёрлаб боришларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Томдан тараша тушгандек, микрофон кўтариб келган мухбир қаёқда-ю, соҳа ҳақида жўяли савол бериб фаоллик кўрсатган мухбир қаёқда. Анжуман тафсилотларининг газеталар, телевидение ва радиода қай даражада ёритилиши ҳам айни ўша тайёргарликлардан кўринади.

Ўтказилган ўнлаб матбуот анжуманларини таҳлил қилиб, бир истиҳола — мазкур қонун давлат бошқаруви органлари, ҳокимликларга талаблар қўйгани ҳолда, бу ишларнинг пировард натижаси учун оммавий ахборот воситалари вакилларининг масъулиятини ҳам бир қадар оширса, фойдадан холи бўлмас экан, деган хаёлга келасан киши.

**Пресс-релиз** масаласида бир чимдим фикр. Кези келганда, алоҳида таъкидлаш лозимки, Ахборот хизмати ходимлари пресс-релиздан оқилона фойдаланишлари жуда муҳим. Унда гап фақат ўтадиган тадбир ҳақидаги "биографик" маълумотдангина иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Сиз ушбу бир парча қоғоз билан мавзуни ёритмоқчи бўлаётган журналистга йўлланма бераётганингизни унутманг.

Агарда пресс-релизда "ҳеч гап" бўлмаса, билингки, тадбирингизнинг ёритилиши ҳам шу даражада бўлади. Реал ҳолатда кўпгина тадбирларга ташриф буюрган телевидение ва радио мухбирлари тезкор интервьюни олишади-ю, лавҳаси учун етарли тасвирларни тўплаб навбатдаги тадбирга шошилишади. Чунки у бир кунда бир нечта воқелик ҳақида материал тайёрлашга масъул.

Демак, уларга сифатли, мукаммал, мақсадингизни равон ифода этувчи, ўтказилаётган тадбирнинг аҳамияти, долзарблиги, қамрови ва бошқа жиҳатларига қараб бир варақгина эмас, балки ундан бир неча баробар катта ҳажмдаги пресс-релиз ҳозирлаб қўйинг. Унда рақамлар, иштирокчиларнинг



исми шарифи, кўтарилаётган мавзунинг аҳамияти, манзил каби маълумотлар лўнда, аниқ, тушунарли ҳолда ёзилган бўлсин.

Ахборот хизмати вакиллари ҳар бир тайёрланган, тақдим этилаётган ахборотларнинг ростлиги, жамоатчиликка холис етиб бориши, унга тўғри фикр учун туртки беришини аввало, ўзи тушуниши ва унга ҳаракат қилиши шу жиҳатдан ўта муҳимдир.

Баъзида айрим ташкилот раҳбарлари Ахборот хизмати вазифасини асл касби иқтисодчими, муҳандисми, математик бўлган "газета ўқийдиган "мутахассис"га юклаб қўя қолишади. Ортиқча "бош оғриғи" қилиб мутахассис излаб овора бўлгиси келмайди. Аммо, бу — баайни, профессионал санъаткор қолиб ҳаваскор қўшиқчининг мумтоз ашула айтиб турганидай гап.

Матбуот анжуманини ўтказиш билан иш битади, деб ўйламанг. Тадбирларнинг ёритилиши **мониторинги** шуни кўрсатмоқдаки, аввало бундай мониторинг жуда зарур. Уни нечоғли қизиқарли, сифатли, маълумотларга бой қилиб ўтказганингиз у ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материаллардан билинади. Билингки, ташриф буюрган журналист мудраб ўтирган, уни қизиқтира олмагансиз, пресс-релизингиздан ҳам жўяли гап чиқмаган... Демак, кейинги гал нималарга кўпроқ урғу бериш керак, қай бир гаплар кўпчиликни унча қизиқтирмаяпти, балки шаклий ўзгартиришларга эҳтиёж бордир — ўша мониторинг буни сизга билдиради.

Энди Ахборот хизмати ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро **изчил ҳамкорлик**нинг ўрни ҳақида. 2014 ва 2015 йилларда ўтказилган матбуот анжуманларимизда тайёрланган тақдимотларнинг маълумот ва фактларга, янгиликларга бойлиги ўзимизни қанчалик қувонтирган бўлса, улар бўйича журналистлар томонидан берилган баъзи саволларнинг саёзлиги, айниқса айрим мулоқотларнинг оммавий ахборот воситаларида жуда жўн ёритилгани масалага чуқурроқ ёндошишга чорлайди, албатта. Такрор бўлса ҳам айтиш жоизки, баъзида ёш, ўзини интилувчан ҳисоблаб юрган мухбирлар ҳам бундай тадбирларни ёритишда уларнинг ўтказилгани ҳақидаги хабар билан кифояланишади. Аслида ташкилотчилар учун бу муҳим эмас. Муҳими, айтилмоқчи, етказилмоқчи бўлган янгилик, ахборот, маълумотни жамоатчиликка вақтида, тушунарли, қизиқарли қилиб етказиш-ку.

Газеталар, интернет сайтлари, телеканалларнинг информацион дастурларидаги "кухня" сизга таниш бўлиши жуда муҳим. Баъзида ўта долзарб мавзуда бўладиган мулоқотларга айнан фалончи мухбирни жўнатишларини сўраб қоламиз. Маъноси тушунарли.

Ҳокимликлар ҳар қандай маълумот ёки ахборотни етказишда унинг пировард натижасини бош планга қўйиши шубҳасиз. Агарда ташкилотнинг бирор вакили телевидениега чиқиб, ҳурматли ўртоқлар, кўчаларни ифлос қилманг, тозаликка риоя этинг, дея жар солса, унинг қандай самара беришини айтиш қийин эмас. Аммо, малакали режиссёр томонидан махсус сценарий асосида олинган **ижтимоий ролик**нинг таъсир қуввати бўлакча бўлишини тажрибадан кўрдик. Уч-тўрт ёшли болакай ўйинчоқ машинасида туппа-тузук кўринишдаги катталар томонидан ташлаб кетилаётган сигарет қутиси, музқаймоқ қоғози кабиларни йиғиб, махсус урнага олиб боряпти. Буни кўриб ўша катталар ҳам изза бўлишяпти ва дарров ўзларини тўғрилашяпти.

Ёки кўп қаватли бир уйнинг йўлагидаги нохуш аҳвол бошқа бир намунали йўлак билан қиёслаб кўрсатиляпти. Йўлакни тоза тутиш, уни бўёқлаб, чиройли қилиб қўйиш катта маблағ талаб қиладиган оламшумул юмуш эмас. Бу каби кўплаб ижтимоий роликлар нафақат телевидение каналларида, балки кабель телевидениеларининг реклама блоклари ҳамда ташқи реклама мониторлари орқали муттасил намойиш этиб борилмоқда. Биласизми, ҳам кабель телевидениелари, ҳам ташқи мониторларнинг аудиторияси кенг ва албатта, бу роликларга эътибор тезда сезилди.

Ҳокимлик Ахборот хизматига ўша роликдаги йўлакнинг таъмирлангани тасвирлари олиб келиниб, унинг намойишини тўхтатишни сўрашди, маҳаллаларимиздаги учрашув ва мулоқотларда кўчалардаги мониторлар намойишларига ижобий муносабатларга дуч келамиз. Демак, ахборот тарқатиш манбалари рўйхатини кўпайтириш ҳам мумкинга ўхшайди. Айнан автотранспорт сонининг кўпайиши ҳисобига радио ва айни жамоат транспортида реклама билан шуғулланиб бошлаган тадбиркорлар билан иш олиб бориш ҳам яхши самара бериши тайин.

Бугун **ижтимоий тармоқлар** тобора ривожланяпти. Аслида бирор газетага жўяли мақола ёзолмаслиги мумкин, аммо ижтимоий тармоқда фаол, кўпчиликка маслаҳатгўй бўлишдан тортинмайдиган "жонкуяр" ҳамюртларимиз ҳам топилади. Чунки у кабиларнинг бу борадаги масъулиятини ҳеч ким жиловлаб ўтирмайди-да.

Афсуски, ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ва уларга муносабатларни кузатиб, ҳали олди-қочди гаплар, шов-шувларга ўч, қизиқувчан, биров нима, деса ортидан эргашишга мойил бўлган кишиларнинг бисёр эканига дуч келасан киши. Бу ҳаммани ҳушёр бўлишга ундайдиган жиддий масала.

Яқинда шундай фаол юртдошларимиздан бири ўзи раҳбар бўлган нодавлат ташкилоти томонидан ҳокимликка "муҳим" масалада хат юборганини ўз ижтимоий саҳифаси орқали эълон қилди. Ҳокимиятнинг бунга муносабати кўпчилик учун қизиқ, муаллиф балки ўша "қизиқ"қа ишонгани учун айни шаклни танлаган кўринади. Афсуски, жавоб қонунда белгиланган муддатда у кишининг ташкилотига етиб бормайди.

"Ажабо, ҳокимиятда кимлар ишлайди ўзи", "демак, мурожаатларнинг ҳаммасига муносабат шу экан-да" каби турли хулосалар, тахминлар-у, тал-қинлар пайдо бўлганига ажабланмадик. Кейин "қаҳрамон"имиз янада "оловланди", шахсан ҳоким номига яна бир бор хат йўллаб, унда маҳаллий ҳокимият раҳбарининг қонуннинг фалон-писмадон бандларини бузганлигига шаъма қилди, бу хатига тезда жавоб йўллаши зарурлигини уқтириб ҳам ўтди.

Албатта, бу ҳолатни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам, жавоб юборилмаган бўлса, шубҳасиз, "куюнчак" ва "фидоий" томон ҳақ бўлиб чиқарди. Ўрганиб чиқилганида, жавоб хати мурожаат келиб тушганидан сўнг қонунда белгиланган муддатда ўша "тарихий" нома тепасидаги манзилга жўнатилган бўлиб чиқди.

Хат ҳамда унинг буюртма қилиб юборилганини тасдиқловчи тўлов қоғози нусхаси тезда ташкилотнинг электрон манзилига жўнатилди. Чунки у томон жавоб унга етиб боргачгина, уни оммага эълон қилишни ваъда қилган, ва табиийки, кўпчиликнинг эътиборини ҳам тортган эди. Аммо, ажабланарли жиҳати, жавоб хати "даъвогар" тарафнинг юқоридаги саҳифасида эълон қилинмади. Ушбу ҳурматли ҳамюртимизнинг ҳокимиятни тартибга чақирувчи хатини ўз саҳифаларига жойлаштириб "очко топган" баъзи сайтларимиз масъуллари ҳам ҳалигача ушбу кўчирмани олиб ташлаганликлари ёки унинг аслида нотўғри эканини эътироф этганликлари йўқ.

Нарсаларни ўз номи билан атаган маъқул. Жонкуярлиги ва юксак олижаноблиги билан ном чиқариш илинжидаги ўша фаол юртдошимиз, минг афсуски, бу билан кўпчиликда ҳокимиятга нисбатан нотўғри муносабат уйғотишга "эришди". Демак, Ахборот хизмати ижтимоий тармоқларда фаол қатнашиб, одамларнинг у ёки бу борадаги асосли ёки асоссиз фикрларини ўрганиб боргани, хабар топиб, керак жойида бунга муносабатини билдириб тургани дурустроқ кўринади.

Дарвоқе, баъзида нима учун бизнинг **сайт**ларимиз хориждагилар каби зўр эмас, деган эътирозларга ҳам дуч келамиз. Бу бизнинг нўноқлигимиздан, малакасизлигимиз, билимсизлигимиздан, дейишга шошиламиз. Бироқ, ўша кўпчиликнинг эътиборини тортаётган сайтларни бойитиб бориш учун ўнлаб мутахассислар ишлашини эътиборга олмаймиз. Ростдан ҳам, аслида қизиқарли, одамларни ўйлашга, мушоҳада қилишга, фикрлашга чорлай оладиган материаллар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди, ахир.

Ахборот хизмати, деганда бир қарашда беш-олти штат бирлиги, соҳани пишиқ эгаллаган, муайян соҳаларни пухта билувчи мутахассислари, ўз фото ва видео, монтаж техникалари, замонавий компьютерлари ва албатта, интернет билан тезкор ишлайдиган гуруҳни тасаввур қиламиз. Даврнинг шиддати, тезкорлиги, ахборотлар оқимининг ошиб бориши ва албатта, жараёнларнинг кўламидан келиб чиқсак, хизматларнинг бундай қувватга эга бўлиб бориши бугунги кун талабидир.

Назаримда, сўнгги пайтларда Ахборот хизматларини, аввало, хизмат даражасида шакллантириш, моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларга малакали мутахассисларни ишга олиш масаласи такрор-такрор кун тартибига қўйилаётганининг моҳиятида ҳам айни шу мақсадлар мужассам бўлса ажаб эмас.

**Хусан ЭРМАТОВ**

**ХОТИРА — МУҚАДДАС**

Умримиз давомида кўп воқеаларни бошдан кечирамиз. Бироқ хотирамизда уларнинг энг сараларигина сақланиб қолади. Ўзим ҳавас қилган, унга маънан шогирд ҳисоблаган азиз инсонларимдан бири билан танишган куним ана шундай ёркин дамларимдан бири бўлган.



# Устоз нигоҳи

Ёш ҳаваскор қаламкаш сифатида таҳририятларга қатнаб юрар, кичкина хабар ёхуд қатрамизнинг матбуот юзини кўриши ҳам биз, бошловчи журналистлар учун оламжаҳон қувончли ҳодиса саналар эди. Ёзнинг илк ойи, қилқалам адиблар тили билан айтганда, "қуёш ўзининг заррин нурларини она заминимизга аямай сочиб" турган кунларнинг бирида "Олот ҳаёти" (аввалги "Янги ҳаёт") газетаси таҳририятига бордим. Бу даргоҳ менга бегона эмас, кичик-кичик лавҳа, хабарларимни қўлтиқлаб келиб-кетиб юрган жойим эди. Шу боис ўзимни эркин тутардим. Лекин бу ёши мендан анча улуғ, профессионал журналистлар олдида ўзимни доно кўрсатишга интилиш эмас эди.

Қандайдир кичикроқ лавҳамни топширдим-да, энди чиқиб кетаётгандим, йўлакда ўртабўй, чеҳрасидан нур таралиб турган кишига дуч келдим. Бу инсон мен мақолаларини севиб ўқийдиган, газетанинг маданият бўлими мудири Илҳом Сафаров эди. Салом бердим.

— Уйга кетяпсанми? — сўради у киши алик олгач. "Ҳа" дедим юрагим дукиллаб.

— Беш дақиқага хонамга киролмайсанми, гап бор, — деди у ҳаяжонимни баттар ошириб. "Майли" дедим-у, хаёлимдан "Наҳотки, бирор ножўя иш қилиб қўйган бўлсам ёки ёзганларим ёқмаётганмикан" деган ташвишли ўй ўтди. Устознинг орқасидан эргашдим.

Чоғроқ, аммо озода, стол-стуллар тартиб билан жойлаштирилган хонага кирдик.

— Ўтир, — деди Илҳом ака иссиқдан терлаб кетган манглайини оппоқ дастрўмоли билан артар экан. — Қандай, ўқишларинг яхшими, ёзганларингни ўқиб бораяпман. Ёмон эмас, қаламинг бору мавзу тополмаётганга ўхшайсан.

Мен: "Ҳа, ака, рост..." деб юбордим. Устоз тўғри айтаётган эди.

— Бу ўткинчи ҳол, ҳали насиб этса, мавзу топишгаям уста бўлиб кетасан, — кўнглимни кўтарди Илҳом ака. — Энди гап бундай, Лазизжон, манави қарорни яхшилаб ўқийсан. Тушуниб ўқи. Сўнг менга бу қарор юзасидан битта мақола ёзиб келасан. Муносабат шаклида. Қуруқ бўлиб қолмасин, ҳаёт билан боғлаб, жонлироқ қилиб ёз. Уқдингми?

Мен бу қандай қарор экан, нега менга беряпсиз бу топшириқни, деб ижикилаб ўтирмадим. Топшириқни олдиму севинганимдан устозга раҳмат айтиш ҳам эсда йўқ, майли, дея хайрлашиб чиқиб кетдим.

Юрагим тошиб, эртасигаёқ мақолани ёзиб тугатиб, таҳририятга чопдим. Мақолам жиндай таҳрирдан сўнг газетада эълон қилинди.

Албатта, бу билан мен осмонга учиб ёки машҳур бўлиб кетганим йўқ. Бироқ устознинг далдаси, берган топшириғи ўзимга бўлган ишончни ошириб юборган эди.

Билсам, Илҳом Сафаров нафақат яхши ижодкор, журъатли журналист (у киши газетанинг "Қалампир" рукнининг мутассаддиси сифатида ўткир фельетонлари, сатира тиғи билан ҳаётимизда учраётган салбий ҳодисаларни фош этувчи "мих"ли мақолалари билан танилган эди), балки яхши педагог, хушфеъл инсон ҳам экан.

Мен ҳам унга ўхшаб журналист бўлишни орзу қилардим. Илҳом аканинг тўғрисўзлиги, иллатларга муросасизлиги ўзига ром этарди.

Илҳом Сафаров истиқлол йилларида чинакам яйраб ишлади. Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг Бухоро вилоятидаги мухбири сифатида республика матбуотида эълон қилинган долзарб мавзулардаги танқидий-таҳлилий чиқишлари, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ютуқлар ҳақидаги мақолалари ҳам унинг чин профессионал маҳоратидан дарак берар мақолаларида давр нафаси уфуриб турарди.

2005 йил январь ойининг охирги кунлари Илҳом Сафаровнинг вафоти ҳақидаги шум хабар мени карахт қилиб қўйди. Мен нафақат устозим, балки яқин акам, қадрдонимдан айрилиб қолган эдим.

Буни қарангки, устоз билан яқиндан танишганимга ўттиз йилдан, у кишининг бу ҳаётни тарк этганига ўн йилдан ошибди. Аммо қачон қўлимга қалам олсам, Илҳом Сафаровнинг нигоҳларини ҳис қилиб тураман. У киши "Ука, ҳеч қачон эл-юртга, қаламингга хиёнат қилмагин, ниятни тўғри қил, ўқиб-изланишдан тўхтама. Худо берган бўлса, маҳорат ўз-ўзидан келаверади" дегандек туюлаверади.

**Лазиз БЕШИМОВ**
*Бухоро вилояти*

# МОЗИЙ ДАФИНАЛАРИ ТИЛСИМИ

**ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА**

Сиз Чотқол тоғ тизмаларидаги энг қадимги "астрономик комплекслар" ҳақида эшитганмисиз? 360 градусга ўгириб қўйилганда ўзга сайёраликнинг юзини эсга соладиган Ургут тошлари ҳақида-чи? Балки Қашқадарё дарёси соҳилларида топилган, ҳозирги кунда Геология музейининг "Умуртқалилар" бўлимида намойиш қилинаётган қадимги филлар авлоди — мамонтларга тегишли суяклар ҳақида ҳам эшитгандирсиз?




1999 йилдан бошлаб нашр этиладиган "Мозийдан садо" журнали мана шу саволларга чин маънода жавоб бераётган нашрлардан десак янглишмаган бўламиз. Ҳар уч ойда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган нашр ҳақиқатан ҳам юртимиздаги ўзига хос ноёб масканлар билан ўқувчиларни яқиндан таништириб келади.

Журналнинг 18 май — Халқаро музейлар кунига бағишланган махсус сонида "Геология институти топилмалари" номли мақола берилган бўлиб, унда ҳикоя қилинишича, мамлакатимиз ҳудудидан ҳам ҳозирги филларнинг қадимги авлодлари — мамонтлар суяклари топилгани айтилади. Буюк Британиянинг Оксфорд университети Бодлеан кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари фондида сақланиб келаётган номаълум араб муаллифининг "Фаннинг ғаройиботлари ва мўъжизалари ҳақидаги китоб"ида эса осмон жисмлари, ер юзидаги дарё ва кўллар ҳақида ҳикоя қилинган экан. Мақола билан танишар экансиз, "Қуёшнинг Шарқдан чиқиши" ҳақидаги ўй яна бир карра кўнглингиздан ўтади.

Журнал саҳифаларини варақлар экансиз, ўзингизни тарих билан юзма-юз тургандек сезасиз. Самар-қанд қандакорлиги, Қашқадарё вилояти арабларининг гиламбофлиги, Эрмитажда сақланаётган Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг Санкт-Петербургда императорга қилган совғалари — қиличу пичоқлари, учта гул тасвиридаги аёллар тақинчоқлари каби мозий намуналари бирма-бир кўз олдингизда гавдаланади. Андижон вилоятининг Марҳамат туманида фаолият кўрсатаётган "Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос марказида" Маҳдум Восилий томонидан йиғилган ва тазйиқ сабабли хусусий жамланмаларда 700 га яқин араб, форс ва туркий тиллардаги асарларнинг сақланаётгани ҳақидаги маълумот эса ҳар қандай ўқувчини ўзига жалб қилиши табиий.

Юқоридаги каби қизиқ ва кўнгилга ғурур бағишлайдиган мақолаларни ўзида жамлаган журнал уйғоқ шуурли ўқувчиларга манзур бўлади, албатта.

**Феруза НУРМАТОВА**

# МЕҲР ВА МУРУВВАТ АЙЁМИ

**ШАРҲ ЎРНИДА**

Бугунги кунда она юртимиз жадал тараққий этиб, барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинчликни ҳамда фаровон ҳаётни, қут-баракани халқимиз аввaламбор Яратганнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик билан қабул қилмоқда. Шунинг шукронаси сифатида айни кунларда бутун дунё мусулмонлари қаторида юртдошларимиз ҳам муборак рамазон ойининг амалларини бажариб, динимизнинг яна битта муҳим фарзини адо этишмоқда.



Шу муносабат билан жорий йилнинг 1 июнида Ўзбекистон Президентининг «Муборак рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорга мувофиқ, рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказишнинг чора тадбирлари белгилаб берилган. Ушбу ойда инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, улуғлашимиз, муқаддас динимиз арконларини эъзозлашимиз, одамларни яхшиликка даъват этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Айни рамазон ойи муносабати билан бундан анча йиллар олдин юз берган бир воқеа эсимга тушиб кетди. Ўшанда юртдошларимиздан бири ўз атрофидагиларга "пирга қўл берганини, энди намоз ўқимаса ҳам, рўза тутмаса ҳам бўлаверишини, пирининг намози, рўзаси муридларига ҳам ўтавериши" ҳақида сафсата сотарди. Суҳбатдошим ёши менга нисбатан анча катта бўлгани боис, шунингдек билмай туриб гапириб юбориб, хато қилиб қўйишдан хавотирга тушиб, унга индамаган эдим.

Аммо шу суҳбат анча вақт халоватимини йўқотди. Дин, жумладан, тасаввуфга оид китобларни варақлаб чиқишга тўғри келди. Лекин бирор-бир китобда пирга муридлари учун намоз ўқиш, рўза тутиш каби ваколат берилгани учрамади. Шу сабабли айрим содда кишилар қаллоб пирларнинг макрига учраб қолмаяптимикан, деган андиша билан қўлга қалам олдим.

Тасаввуф ҳақида устозларимиз, диний уламоларимиз кўп ёзишган. Шундай бўлса-да, нима учун тўғри хулоса чиқарилмаяпти ва саводсиз "пирлар" бошқаларнинг бошини айлантиришда давом этмоқда, деган савол туғилади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Айдарбек Тулеповнинг ёзишича тасаввуф руҳий-маънвий покланишга даъват этувчи ғоялар силсиласи сифатида пайдо бўлиб, унинг намояндалари узоқ асрлардан бери инсониятнинг маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келган. Кўплаб олиму уламо, фозилу фузало, давлат ва жамоат арбоблари ўзларини тасаввуф оламига дахлдор санаган, унинг покликка даъват қилувчи ғояларини халқ турмуш тарзига татбиқ этиш йўлида саъй-ҳаракат қилишган.

Аммо сўнгги вақтларда айрим кимсалар тариқатни мансаб, мол-дунё орттириш, муридбозликка айлантириб олдилар. Олим ва уламоларнинг сўзларига қараганда, бу шахслар тасаввуф таълимотининг ғояларидан анча узоқлашиб кетишган. Муридлар томонидан пирларни кўкларга кўтариб улуғланиши, уларнинг тавоф қилиниши динимизда ҳам, тариқатда ҳам йўқ. Тасаввуф тарихида юқори даражаларга кўтарилган улуғ шайхларнинг ҳаммаси шариат илмларининг устозлари бўлиб, тариқатга ўтмоқчи бўлганларни аввал шаръий илмларни эгаллашга даъват қилганлари маълум.

Шу ўринда Аҳмад Яссавийнинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 1992 йилда нашр қилинган "Девони ҳикмат"ига мурожаат қиламиз. Китобнинг "Фақрнома" бўлимида шундай ёзилади: "Биздин сўнгра ондоғ машойихлар пайдо бўлғайким, иблис алайҳил-лаъна олардин сабақ олғай ва ҳамма халқ оларға муҳиб бўлғай ва муридларини бошқара олмағайлар. Ул шайхларким, муридларидин тамаъ қилғай ва жонини куфру залолатдин ойирмагай ва аҳли бидъатни яхши кўргай ва аҳли суннатни ёмон кўргай ва илми шариат бирлан амал қилмағай ва номаҳрамларга кўз солғайлар ва ёмонлиғ пеша қилиб, Аллоҳ таъолонинг раҳматидин умид тутқай ва машойихлар ишини хор кўргай, муридлари рад бўлғай, ўзлари муртад бўлғай ва яна хорлиқ-зорлиқ бирла муридларининг эшигида юругайлар. Ул ҳолда муридларидин ниёз олғайлар. Агар муридлари назру ниёз бермаса, урушқайлар".

Ҳозирги кунда учраб тураётган муридларнинг ўз пирларини ҳаддан зиёд улуғлаётганига нима дейиш мумкин? Уларнинг пирдан бошқаларнинг сўзига кирмаслигига, муқаддас китобларга амал қилмай, уламоларнинг сўзларини тан олмай беписанд қарашларига қандай баҳо бериш керак? Бу такаббурлик эмасми? Қани бу ерда Аҳмад Яссавийнинг камтарлик хақидаги "туфроқ бўлгил" деган насиҳатлари?

Ўтган йилнинг 29 апрель куни "Hurriyat" газетасининг 19 сонида "Мовароуннаҳр тасаввуфи ва тариқатчилик" деб номланган қизиқарли мақола босилди. Тошкент ислом университети исломшунослик кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди И.Усмонов минтақадаги замонавий тасаввуф аввалги асл қиёфасидан бирмунча фарқ қилишини таъкидлар экан, шундай ёзади:

"Бироқ бугунга келиб суфий гуруҳларнинг туб аҳоли орасида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уриниши содир бўлмоқда. Натижада минтақа аҳолиси ўртасида тариқатчиликнинг қуйидаги ноўрин кўринишлари намоён бўлмоқда:

*- таркидунёчилик кайфияти;*

*- пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш;*

*- ибодат маросимларида ихтилофли масалаларга берилиб кетиш;*

*- эътиборни жалб қиладиган кийимда юриш (ёзда ҳам салла-чопон, маҳси-кавуш, узун кўйлак-нимча, беўхшов соқол қўйиш) орқали бошқалардан ажралиб туришга уриниш;*

*- ёш, меҳнатга лаёқатли йигитларнинг "пир"лар этагидан тутиб ижтимоий ҳаётдан узилиб қолиши, оилаларини тарк этиб, эртаю кеч пир хизматига ўзини бағишлаши ва ҳоказо.*

Тариқатчилар фаолияти туфайли ижтимоий низоларга сабаб бўлаётган ҳолатлар:

*- тариқатда бўлмаганларга нисбатан паст назар билан қараш;*

*- илм олишга бўлган рағбатнинг сусайиши — гўёки "кўпгина авлиёлар ўқимасалар ҳам катта мақомларга етишганлар" қабилида иш тутиш;*

*- оилали тариқатчилар оилаларининг таъминотини "Аллоҳга таваккал" қилиб, пирдан вазифа олганлик баҳонасида оила моддий таъминотидан бош тортиш;*

*- замонавий маданият ва тараққиёт ютуқларига салбий муносабатда бўлиш;*

*- бошқа дин вакилларига нисбатан тоқатсизлик кўринишлари ва бошқалар".*

"Фақрнома"да ёзилади: "Шайх Зуннун Мисрий раҳматуллоҳи алайҳ ондоғ айтибдурларким, мурид қирқ йил хизмат қилмағунча, шайхлик ва фақирлик ва дарвеш ўрни анга таъйин бўлмас ва хирқа киймоқи онга раво эрмас. Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий ондоғ айтибдурларким, ҳар ким пирлик ва шайхлиқ даъвосин қилур бўлса, қирқ йил то пирнинг хизматида юрмагунча, шайх ўрни онга раво эрмас. Агар мурид олса, рад турур. Ҳар ким дарвишлик даъвосин қилса, аввал Ҳақ амрина буйин сунуб, шариат амри бирла бўлғай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмағунча, кундуз хизмат қилмағунча, шайхлиқ даъвосин қилса, ботил турур. Агар тавба қилмай дунёдин борса, Ҳақ таъоло тамуғда турлук азобга гирифтор қилғай".

Яна савол туғилади: "Ҳозир ўзларини пир деб атаётганлар қайси пирнинг хизматини қирқ йил қилибди?" Умуман, улар "тариқатга шариатсиз кирганларнинг шайтон келиб имонини олар эмиш" дея насиҳат қилган Аҳмад Яссавийнинг, шунингдек, Саййид Амир Кулол, Саййид Умар, Саййид Барака, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби буюк авлиёларнинг таълимотидан хабардормикан?

*Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ислом илм динидир. "Бешикдан то қабргача илм изла" дейилади Ҳадиси шарифда. "Тариқатдаман" дегувчи айримларнинг илм ўрганишдан ўзларини олиб қочаётганлари аянчли ва ачинарлидир. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг "Аллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишларингиз ва мол-мулкларингизга эмас, балки амалларингизга қарайди" деган ҳадисларига амал қилмай тариқат йўлига кирдим, деб кийим-бошларини, юриш-туришларини ўзгартираётганларни ҳам асло оқлаб бўлмайди. Бир нарсани — тасаввуф ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат ва ростгўйлик каби умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этганини асло унутмаслик керак. Мабодо, ушбу мавзу юзасидан айрим хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлсак, устозлардан узр сўраймиз.*

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

## 200 та аҳолиси бор шаҳарлар

**Кундан-кунга чирой очиб бораётган қишлоқларимизга боқиб, кўзимиз тўймайди. Уларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уйлар, маиший ва савдо объектлари, спорт иншоотлари шаҳарлардагидан қолишмайди. Бизнинг тушунчамиздаги шаҳар ва қишлоқ жойлар орасидаги тафовут борган сари камаяётгани бор гап.**

Хўш, дунёда қишлоқ ва шаҳар тушунчасига қандай қарайдилар?

Маълумотларга кўра, турли мамлакатларда «шаҳар» тушунчаси ҳар хил идрок қилинади. Масалан, Дания, Швеция, Финляндияда 200 кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган гўшалар шаҳар ҳисобланади. Канада ва Австралияда минг кишидан ортиқ, Германия, Франция, Кубада 2 минг кишидан, АҚШ ва Мексикада 2,5 мингдан, Австрия, Ҳиндистон, Эрон, Мадагаскарда 5 мингдан, Швейцария, Малайзияда 10 мингдан, Нигерияда 20 мингдан, Японияда 30 мингдан, Жанубий Кореяда 40 мингдан зиёд аҳолиси бўлган пунктлар шаҳар деб аталади.

## Ҳар мамлакатнинг юзи...

**Ҳар бир юрт ўзига хос "брэнд"лари билан машҳур. Масалан, "Мерседес" автомобили Германиянинг "юзи" дейиш мумкин. Бу мамлакат, шунингдек, бошқа автокомпаниялари, "Адидас", "Пума" сингари кийим-кечак ишлаб чиқарувчи компаниялари билан ҳам дунёга танилган.**



Чунончи, Бразилия футбол юлдузлари, Испания футбол клублари, Япония электротехникалари, Колумбия зумрад конлари, Жанубий Африка Республикаси олтину олмослари билан фахрланади. Белгия ов милтиқлари ишлаб чиқариш, олмосга ишлов бериш (Антверпен бриллиантлар савдосининг дунёдаги марказидир), Австрия тоғ чанғилари, Чехия эса бижутерия (тақинчоқлар), турли хил қаламлар ишлаб чиқариши билан машҳур.



Ўзбекистончи? Бу савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Она юртимиз жаҳоннинг энг қадимий ўлкаларидан бири эканлиги бутун дунёга маълум. Юртимиз номи тилга олинганда жаҳон сайёҳлари кўз олдига Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари қадимий ва улуғвор шаҳарлар, улардаги бетакрор тарихий обидалар гавдаланади. Илм-фан мухлислари эса юртимизни ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Замахшарий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломалари билан танийди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон машҳур спортчилари, истеъдодли ёшлари билан жаҳон аҳлини кўп бора ўзига қаратмоқда.

## Радиотаълим

**Австралия фермаларидаги кишилар бир-бирларидан жуда узоқда яшайди. Улар қўшнилари ва умуман ташқи дунё билан асосан, телефон ҳамда радио ёрдамида алоқа қилишади.**

Врач радио орқали маслаҳат беради ва зарур бўлиб қолгандагина бемор ҳузурига бориш учун таклиф қабул қилади. Фермерларнинг болалари 15 ёшгача радио орқали ўқитилади. Ҳар бир ўқувчининг ўз радиостанцияси бўлади, у машғулотни бажараётганда радио орқали ўқитувчига, сабоқдошларига мурожаат қилиши мумкин. Ўқувчи ўзининг ёзма ишларини ҳафтада бир марта радио-мактаб ўқитувчисига юбориб туради.

## Тинчлик барқарор бўлгай!

**Япониянинг давлат тузуми 1947 йилда конституция қабул қилингунига қадар мутлоқ монархия бўлиб, қонунлар императорга чекланмаган ҳокимият берар, уни илоҳийлаштирар эди.**

1947 йилда мутлоқ монархия бекор қилинди, бироқ мамлакатда сақланиб қолган анъанага кўра бу ердаги йил ҳисоб(сана)ларнинг бири навбатдаги императорнинг давлат бошига келишидан бошланади. Тахтга 1989 йил бошида император Акиҳито келиши муносабати билан боғлиқ янги йил ҳисоби «хейсей» деб атала бошланди. «Хейсей» бутун дунёда, Ерда ва осмонда тинчликни барқарор топтириш деганидир.

**Хосият САЪДУЛЛАЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

**БИЛАСИЗМИ?**

## МУЗҚАЙМОҚ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

**Бу саволга жавобни эрамиздан олдинги уч мингинчи йиллардан қидириш керак. Манбаларда ёзилишича, ўша замонлардаги қилни қирқ ёрадиган ишбилармон кишилар тоғ чўққисидан энг тоза қорни келтириб, устига асал суришган ва ҳукмдорларга тортиқ қилишган.**

Кейинчалик "ширин қор" таърифи ва уни тайёрлаш усули араблар, форслар ҳамда юнонларга ҳам бориб етган. Қадимий Эллада шоҳи Александр Македонский ушбу музли ширинликни жуда ёқтирган ва уни эритмай олиб келишлари учун энг чаққон, чопқир қулларини тоққа жўнатган. Айтганча, музқаймоқнинг яна бир ашаддий ишқибози қадимги Рим императори Нерон бўлган.

Европаликлар бу лаззатли неъматдан анча кечроқ воқиф бўлишган. Унинг бир қанча тайёрлаш усулларини Марко Поло Шарққа қилган сайёҳатидан кейин 1295 йилларда Италияга олиб киради. Италия ошпазлари музқаймоқни сувли ҳамда сутли асосда дастурхонга тортишарди. Бироқ тайёрланиш усули ошпазлик санъатининг асл шинавандалари – французларга етиб келганида, ошхона ҳақиқий ижодий тажриба масканига айланди. Французлар бу борада бор санъатларини ишга солдилар ва музқаймоқнинг ўта мазали, айлана, думалоқ шаклини яратдилар.

Инсоният яратилибдики, йўқдан бор қилишга, борни эса юксалтиришга уринаверади. Ишлаб чиқаришнинг оммалашиши учун тез эрувчан маҳсулот қандай қилиб узоқ муддат сақланиши учун бош қотирилаётган бир пайтда, испаниялик доктор Бласиус Вилафранка маҳсулотни яхши музлатиш учун селитрадан фойдаланишга қарор қилди. Рости, эшитилиши ғалати бўлсада, бу усул ўша даврда ўзини оқлаганди.



Ўзига анча бино қўйган ва ўта расмиятчи Буюк Британияга музқаймоқ XVII аср ўрталарида кириб келди. Қирол Чарльз уни менсимайроқ татиб кўриб, ўзини ғалати тутди (ҳатто кулгули дейиш мумкин). Боз устига нима учундир музқаймоқнинг мамлакат бўйлаб тайёрланишига қаршилик ҳам кўрсатди. Музқаймоқни истеъмол қилиш фақат бошқарувчиларга, сарой аъёнларига ҳамда (фрейлина) хонимларга рухсат берилганди. Бироқ битта шахс тараққиётни тўхтатиб қололмайди. Қирол вафотидан сўнг ошпазлар "шоҳона муз парчалар" тайёрлаш сирларини барчага ошкор қилишди.

1670 йил Парижда илк кафе очилиб, унинг таомномасини асосан, музқаймоқ ва сутдан тайёрланган шарбатлар ташкил этди. Кейинчалик жанубий Америка аҳли ҳам музқаймоқ тайёрлаб, уни "музқаймоқ" ёки "айс-крем" деб атади. 1843 йилда американлик Нэнси Жонсон музқаймоқни қўлда аралаштирадиган ускуна ихтиро қилди. Бироқ кашфиётини патентлаштиришга улгурмаган Нэнси бойиш имкониятини қўлдан бой берди. Уддабурон тижоратчи Янг эса вақтни ўтказмай, Нэнсининг ғояси орқали талай мол-дунёга эга бўлди. Ихтиро 1855 йилда механизациялаштирилди. 1899 йил француз ихтирочиси Огюст Голен музқаймоқ учун гомогенизатор ихтиро этди. Ушбу асбоб музқаймоқнинг нафақат шаклини ўзгартирмасди, балки муз парчаларининг майдаланишини ҳам таъминлади. Орадан уч йил ўтгач, музқаймоқни музлатиш технологиялари ҳам юзага келди. Шу тарзда айс-кремлар дунё бўйлаб кенг тарқалди.

Болалар севиб истеъмол қиладиган вафлили музқаймоқлар 1904 йилда пайдо бўлган. Муҳожир Эрнест Хамви Сент Луисдаги ярмаркада музқаймоқ сотувчиси ёнида вафли сотарди. Кунларнинг бирида қўшнисининг музқаймоқ соладиган ликобчаси тугаб қолди ва Хамви вафлини шохга ўхшатиб ўраб, унга музқаймоқ солиб сотишни маслаҳат берди. Тасодифий ихтиро жуда асқотди ва шу куни музқаймоқчининг ҳам, Хавминнинг ҳам тоза омади келди. Шундан кейин суриялик мусофир илк вафлили музқаймоқлар ишлаб чиқариш компаниясига асос солди ва кўп ўтмасдан мазкур компания саноат корхонасига айланди.

Эскимо ҳам илк бор штатларда пайдо бўлган. Бироқ уни ким ва қачон ўйлаб топгани маълум эмас. Эҳтимол, бу фикр бир-бирига алоқаси бўлмаган уч шахснинг миясига бир пайтда келгандир. Масалан, кечки пайт мактаб ўқувчиси Фрэнк Эпперсон ўз ҳовлиларида ўтириб ичган лимонаднинг бир қисми ичидаги қошиқчаси билан эрталабгача стол устида қолиб кетади. У эрталаб бундай қараса, "таёқчали музлаган мева"ни кўриб ажабланади, уни олиб оғзига солса мазаси зўр. Шундай қилиб Фрэнк улғайганида, таёқчали музлаган меваларни кўплаб ишлаб чиқариб, шаҳар боғида "Эпсикл" номи билан сота бошлайди.

Иккинчи ихтирочи Христиан Нельсон 1919 йилда шоколадли қиём билан тайёрланган музқаймоқ брикетини ўйлаб топади ва уни "эскимос-пирожкиси" ("эскимо-пай") деб атайди. Уч йил ўтгач эса "эскимо" деб патентлайди. Унга тахтачали таёқча 1934 йилда қўшилди. Учинчи кашфиётчи француз Шарль Жерве таёқчали музқаймоғини Париж кинотеатрларидан бирида сотиб юрганида, эскимослар ҳақидаги "Нанук Жанубда" номли ҳужжатли фильм намойиш этилаётганди, шунда тасодифан бир томошабин музқаймоққа "эскимо" деб ном беради.

Айни чоғда турли хил қиёмлар, пушти ранг япроқлар, ёнғоқ, асал, пиёз, чили қалампири, кальмарлар, спагетти, пиво, сабзи, саримсоқпиёз, ловия ва бошқалар билан тановул қилиниши мумкин бўлиб, энг қиммат музқаймоқнинг нархи минг доллар атрофида экан. Айтишларича, уларга тилладан қилинган юпқа фальга қўшилиб, экзотик мевалар билан безак берилар экан.

## ТЕРРАКОТА ҲАЙКАЛЛАР ҚЎШИНИНИНГ СИРИ



**Хитойнинг энг кўзга кўринган ёдгорликларидан бири буюк Хитой девори ҳисобланади, бироқ негадир кўпчиликка унча маълум бўлмаган антиқа терракота қўшини ҳам бор. Бу қўшин 8099 та ҳайкални отлари билан ўзида жамлаган, булар ҳали топилганларигина холос. Терракота қўшини 1974 йилда хитой императори Цинь Шихуанди сағанаси яқинида топилган.**

Бу топилма ўзининг кўлами, ғаройиблиги билан шу даражада қойилмақомки, у ҳатто дунё мўъжизаси Миср эҳромлари билан тенглаша олади. Ўша пайтларда Хитойда император билан бирга тирик одамларни кўмиш одат бўлган. Терракоталар эса тирик одамлар ўрнига кўмилиши керак бўлган илк маротаба ясалган ҳайкаллардир. Мутахассисларнинг фикрича, ўшанда 70 минг ишчи оилалари турли хил баҳоналар билан (масалан, бу сир очилмаслиги учун) кўмилган экан.

Император Цинь ўлимдан ашаддий қўрққан. Шу боис, телбаларча умрбоқийлик воситаларини қидирган. Баъзи тадқиқотчилар назарида, император 8 минг одамдан иборат қўшинни абадий умр дорисини олиб келишлари учун юборган. Қўшин юришда бўлганида император умрини узайтириш мақсадида, симобдан тайёрланган дорини истеъмол қилган. Эҳтимол айнан шу дори унинг ўлими сабабчиси бўлгандир.

Бутун некрополнинг қурилишига 38 йил кетиб, унда 700 дан ортиқ ишчи ҳамда ҳунармандлар меҳнат қилишган. Шуниси таҳсинга лойиқки, ҳар бир ҳайкал ўта маҳорат ва дид билан ишланган. Ҳар бир жангчи ўз унвонига, қуролига, турли хил ҳис-туйғуларни ифода этувчи алоҳида юз тузилишларига эга бўлишган.

Натижада, акробатлар, мусиқачилар, мансабдорлар ҳайкаллари ҳамда иккита бронзали икки ғилдиракли жанг араваси император сағанасидан 20 метр нарида топилган. Улар 300 дан ортиқ майда қисмлардан иборат бўлиб қимматбаҳо металл билан безатилган.

**Азиза АҲМАДЕЕВА тайёрлади**

# КИЙИНИШ ШАХСИЙ ИШМИ?

**МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ**

Яқинда йўналишли микроавтобусда йигирма ёшлардаги қиз тушаётиб тор шимининг бели очилиб кетди. Бунга ҳамманинг назари тушди.

Куни-кеча бир тўйда қилинган амри маъруф менга маъқул тушди. Унда айтилишича, ҳозир мағриб мамлакатларида айрим ота-оналар фарзандларига ва фарзандлар эса ота-оналарига мутлақо эътиборсиз.



Бундан ташқари, улар бола ўрнига ит, мушук асрашаётгани ва ҳатто мол-мулкини ана шу ҳайвонларга мерос қилиб қолдираётгани ҳамда бир жинс вакилларининг ўзаро никоҳланаётгани ҳам жуда уят. Бу гапларни эшитар эканман, хаёлга толдим. Интернетда ёзишича, жаҳонга демократия ҳақида жар солаётган Оврупанинг айрим мамлакатларида бўлаётган бесоқолбозлар қурултойлари нимани англатади?

Кўпгина мамлакатларда бўлдим. Ҳинд аёлларининг ҳамон ўз сарисини севиши, туркман аёлларининг ҳамма жойда ажралиб турадиган сержило миллий кийимини айтмасам ҳам ҳамма билади. Истанбул аэропортида туркман қизлар, рўмолни чиройли ўраган турк гўзаллари ҳар кимни ўзига қаратаётганини сездим. Бироқ улар орасида ўзбек қизларини қандай қилиб фарқлаш мумкин? Ҳинд қизлари никоҳ кечаси куни ол рангдаги миллий либосларини кияди. Ўзбек қизларига никоҳ кечаси фалон пулга ижарага олинадиган оврупача келин либоси — фата кийиш қачон расм бўлди? Бунинг ўрнига улар шундай айёмда атлас кўйлак ва лозимда бўлса қандай чиройли! Бир пайтлар собиқ Шўро даврида атлас камёб эди, ҳозир эса бозорларда турли-туман бир-биридан кўркам атлас, адрасларни топиш мумкин, нархи ҳам у қадар юқори эмас. Хотин-қизлар кенгашлари бу масалага эътибор беришса яхши бўларди.

Ўзбек атласи жаҳонда тенгсиз мўъжиза, бебаҳо мато. Гўзал камалакни эслатувчи бундай кўркам мато қаерда бор? У ўзбек аёлига қанчалар ярашади! Ажнабий сайёҳлар бу матога ҳавас билан қарашаётганлиги ва майин атлас ҳамда адрасни Самарқанд, Хива ва Бухорода сотиб олаётганликларини кўрдим. Аммо ўзимизда атлас, адрасга эътибор сусайгандек, гўё. Аёллардан сўрасам, бу мато бир ювилса оҳори тўкилади, деб важ қилишди. Уни ювиб ўтирманг, ҳозир нима кўп, кимёвий тозалаш шохобчалари кўп. Қолаверса, ҳар бир аёлнинг камида тўртта-бештадан кўйлаги бор.

Яна бир гап. Бундан йигирма-ўттиз йил муқаддам шаҳар ва қишлоқ аёлини ташқи кўринишидан дарров фарқлаб олиш мумкин эди. Турмуш шу қадар фаровонлашиб кетдики, ҳозир қишлоқ қизлари шаҳар аёлларини ҳам ортда қолдириб кетди. Ҳатто Тошкентдай шаҳри азимда ҳам уларни бир-биридан тезда, агар шевасидан сезмасангиз ажратиш ўта мушкул... Хуллас, мағрибона кофта-юбка кийган аёллар, тор шим, қора кўзойнак ва қулоққа уяли телефон наушникини таққан қизларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Илгари ўттиздан ошган аёл сочини бўямаслиги оқибатида қарироқ кўринарди, ҳозир эса етмишдан ошган кампирлар ҳам сочларини турли рангга бўяб очилиб-сочилиб юрибдилар. Яқинда маҳаллада эгнида тор шим, қора кўзойнак тақиб уяли телефонда ким биландир гаплашиб кетаётган бир қизга ўзидан катталарни кўрганда саломлашиш зарурлигини уқтирсам, узр сўраш ўрнига менга эътироз билдирди. Ёнимдаги ўзимдан ҳам қарироқ шеригим олдида эса мулзам бўлдим.

Албатта, ҳамма ерда ўзига яраша кийиниш қоидаси бор. Корхоналарда махсус кийим-бош берилади. Ички ишлар, прокуратура, темир йўллар ва ҳаво йўллари хизматчилари кийимлари ва ҳоказо. Мактаб-коллеж ўқувчиларининг ҳам кийим-бошлари бор. Банк қизларининг оқ кофта ва қора юбкаси ҳам ўзига ярашиқли.

Хўш, кўчада қандай кийинмоғимиз керак. Балки, ҳақиқатдан ҳам ўзимиз хоҳлаганча кийинишимиз керакдир. Демак, эртага шортик кийиб бозор айланишим ёки тўйга боришим ҳам мумкин... Агар кимда-ким эътироз билдирса, аяб ўтирмайман, судга бераман, тамом-вассалом! Бироқ кўча — жамоатчилик жойи. Агар ҳеч ким индамаса, лоқайдлик гуллаб-яшнаса ва бунинг оқибатида кўчада ёшлар майка-трусида бемалол юриб кетмаслигига ким кафолат беради? Бундан йигирма йиллар муқаддам адабий танқидчилардан бири, у ҳозир раҳматли бўлиб кетган, шортикни маъқуллаб чиқса бўладими?! Яъни, шортик ўта фойдалимиш, тиззаларга шамол тегиб нафас олиш енгиллашармиш. Тиззангни шамоллатиш керак бўлса, марҳамат, ёзнинг қоқ чилласида почангни шимариб лой тепкила — тиззанг мазза қилади. Ўйлаб кўринг саксон ёшли чоллар ҳам кўчада шортикда юришса, жуда ғалати туюлмайдими? Тўғри шортикнинг ҳам жойи бор, исталган жануб мамлакатлардаги курортларга бориб бемалол кийиб юраверинг — бу ўзингизнинг шахсий ишингиз! Лекин у ерда ҳам кўчада ёхуд ресторанда мана шу зайлда юрсангиз ёқтиришмайди.

Албатта, қандай кийим кийиш ҳар бир кишининг шахсий иши, биз буни инкор қилмаймиз. Бироқ ҳар бир кийимнинг ўз ўрни ва жойи бор! Уйда етмиш яшар қайнота келинлари олдида каравотда майкада ўтирса ёхуд олтмишдан ошган қайнона оила даврасида лозимсиз ўтирса, бу одобсизликдан бошқа нарса эмас. Бизда айримлар дўппи киймаган эркакнинг дўппи кийганини ёки рўмол ўрамаган аёлнинг рўмол ёпинганини кўришса, «нима бўлди, тинчликми?» деб сўрашади. Менимча, дўппи ёки рўмол фақат таъзия маъракалари пайтида кийиладиган бош кийими эмас.

Балки бу фикрларим кимларгадир ғалати туюлиши мумкин. Сиз нима дейсиз?

**Озод ХУШНАЗАРЗОДА**

**БЎЛГАН ВОҚЕА**

— Ўзингга эҳтиёт бўлгин. Автобусда ёши каттароқ одамларнинг ёнига туриб олгин. Кўчада атрофга анграйиб юрмагин. Ўқишингга тўғри бориб-тўғри келгин. Эсингдан чиқмасин, қош қорайгунча уйда бўлгин. Тушундингми?...

# Яқин ўтган кунларда

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ўқишга, ишга кузатаётганида тахминий шундай гапларни тайинлашарди. Жамиятда шундай муҳит вужудга келган эди. Айниқса, машина ўғрилари кўпайиб кетганини айтмайсизми. Куппакундузи бурнингизнинг тагидан машинангизни қандай ўғирлаб кетишганини билмай қолардингиз. "Жигули"нинг эшигини ўн жойидан қулфлаб, магазинга кириб икки бухонка нон олиб чиққунингизча, "Жигули" осмонга учдими, ерга кириб кетдими, билмай қолардингиз. "Икки бухонка нон" дейишимнинг боиси, бошқа рўзғор озуқалари талон билан тарқатиларди. "Жигули" масаласига келсак, одамлар йигирма йиллаб навбатда туришган. Камина ҳам ўшалар қаторида эди. Лекин навбатим келмай, у замонлар ортда қолди. Бунисига ҳам шукр. Гапларимга ишонмаганлар ака, ота-оналаридан сўрашсин. Одамларнинг кайфияти ҳам замонасига яраша бўлар экан. 90-йилларда вужудга келган бундай вазиятда ҳар қандай одамнинг ҳам асаблари дош беролмас экан. 1991 йилнинг 18 июль куни юрагим безовта бўлиб "Кўкча" даҳасида жойлашган биринчи сонли шифохонанинг асаб касалликлари бўлимига тушиб қолдим. Бу бўлим бош бинодан четроқда бўлиб, ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган икки қаватли кўримсизгина иморат экан. Аммо шифокорлари ниҳоятда самимий, ширин сўз, меҳрибон инсонлар экан. Касалхонага тушганимдан икки-уч кун ўтиб, асабларим жойига туша бошлади, ўзим ўрнимдан туриб бемалол йўлакка, ундан ҳовлига чиқиб айланадиган бўлдим. Бинони икки қаватли дегандим. Мен биринчи қаватда бўлганимдан, иккинчи қават тўғрисида бир нима деёлмайман. Мен ётган хона ўн тўртинчи бўлиб, деразаси кун ботарга қараган. Қаршимиздаги хонада бет-қўл ювадиган жўмрак бор экан. Хонанинг ичи ҳам нисбатан кенгроқ бўлиб, у "Ярим-люкс" ҳисобланар ва савдо-сотиққа алоқадор мансабдор даволанар, ундан кейинги хонада учта бемор бўлиб, улар рус миллатига мансуб ногиронлар экан. Бу хонадан кейин ташқаридан кириладиган кенггина йўлак. Унинг чап томонида бош шифокор хонаси, унинг ортида рисоладагидай икки хоналик "люкс" жойлашган экан. Унинг ичида ҳамма қулайликлар муҳайё. Бу хонада бир етмишлардан ошган уруш фахрийси жойлашган бўлиб, ўзи мустақил юролмаганидан 60 ёшлардаги танмаҳрами бўлмиш нуроний онахон у кишининг хизматида эканлар.

Чамамда шифохонага келганимнинг учинчи куни бўлса керак, навбатдаги муолажадан сўнг хонада ётиб кўзим илинган шекилли, ташқаридаги шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Атрофга қарасам, ҳамхонам йўқ. Бирон кориҳол бўлдимикан, деб хавотирланиб йўлакка чиқдим. Йўлакда эса тоғни урса талқон қиладиган тўрт-беш ўспирин ҳамшира ва дўхтирларга ўшқириб нималарни буюряпти. Ҳар тугул ҳамхонам шу ерда экан.

— Нима гап? — деб сўрадим.

Унинг ранги оқариб кетган, ғазабидан ўзини зўрға ушлаб турипти, чоғи.

— Буни қаранг, замонанинг тескари бўлганини! Қандайдир бир ипирсқи бугун ўзига ўхшаган тўрт-бешта бебошларни ёнига олиб, "тўда" тузиб оддий халқни оёқ ости қиляпти.

Шу ораде "люкс" хонадаги уруш фахрийсини аравачада бизнинг рўпарамиздаги хонага кўчиришди. Кампир бечора нима гаплигига ақли етмай тугунларини кўтариб чолининг ёнига кўчиб ўтди. Бу хонада борйўғи битта каравот бўлиб, 60 ёшларга кириб қолган кампир кеча-кундуз стулда ўтириб чолига қараб туриши керак бўлади. "Люкс" хонани тўрт чоғли фаррош ва ҳамширалар деворларини қайтадан оқлаб, дераза эшикларни ювиб-тараб, қаердандир янги юмшоқ диван келтириб жойлаштиришди. Дераза пардаларини ўзгартиришди. Бош шифокор хонасидан сим тортиб "люкс"га телефон ўрнатишди. (У вақтларда қўл телефони одамларнинг тушига ҳам кирмаган). Бош шифокорнинг ранглари оқариб, қўллари титраб устма-уст тамаки тутатиб йўлакда у ёқдан-бу ёққа юряпти. Ҳамшираларнинг чеҳрасида ваҳима ва қўрқув.

Шу алфозда кечки овқат вақти қандай ўтганини ҳам билмаймиз. Энг муҳими, нима бўлаётганини ҳеч ким айтмайди. Кечки овқатдан сўнг ҳамхонам билан ташқарига чиқиб тоза ҳавода айланишга чоғланиб турган эдик, йўлакда яна "дупур-дупур" бошланиб қолди. Эшикни очиб йўлакка чиқдик. Бир замон бошида оқ дўппи, қўлида тасбеҳ ушлаган, нари борса йигирма беш ёшлардаги "тўда боши" кириб келди. Унинг ортидан икки қиз, тўртта қўриқчи дабдаба билан "люкс" хонага кириб кетди. Демакки, пешиндан бери ҳаммаёқни "зир титратган" шу "тўда боши" эканлиги маълум бўлди.

— Э, бу анави Чилонзордан чиққан "Ф"ку, — деди ёнимда турган ҳамхонам.

— "Ф"нгиз ким бўлди?

— Иее, осмондан тушганмисиз ука, уни етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билади-ку! Ҳозир Тошкентнинг ҳар бир даҳасида шунга ўхшаган муштумзўрлар пайдо бўлган. Тижоратчи ҳам, зироатчи ҳам улар билан ҳисоблашишга мажбур. Бола-чақаси, ер-мулки учун товон пули тўлаб турмаса, ё уй жойидан ёки мол-мулкидан ажралади. Додингни эшитадиган одамнинг ўзи йўқ. Шаҳар шунақа "бедарвоза" бўлиб қолган. "Итларнинг" боши мис товоқда" бўлиб қолди, укажон. Бунақа демократияни кимга кераги бор?!

Ҳамхонам жаҳл билан ичкарига, хонамизга кириб кетди. Мен ҳам унинг ортидан эргашдим.

Ўша куни тонг отгунча тинчлик бўлмади. Ҳамширалар ҳам навбатчиликда қолишди. Ортидан эргашиб келган икки қиз тонг отгунча тўда бошини массаж қилиб чиқишди. Қўшни хонадага танкўриқчилар тонготар қилиб телевизорда "видео" кўришди. Йўлакдаги югурдаклар эса бири келиб-бири кетиб турипти. Уларнинг овозлари бемалол эшитилганидан қулоқ солиб ётибман.

— Иккита олдим, биттаси яп-янги, иккинчисининг йили эскироқ.

— Мен, "ГАЗ-24"ни сурдим, дейди иккинчиси.

Мен ҳайрон бўлиб хонадошим томонга ўгирилдим.

— Улар бугун тунда ўғирлаган машиналари тўғрисида бир-бирига мақтанаяпти.

Шундан кейин билдимки, булар машина ўғрилари экан.

Эрталабга яқин кўзим илинган экан, яна тўс-тўполондан уйғониб кетдим. Хона эшигини қия очиб ташқарига мўраладим. Уч кишилик хонадаги, бирининг қўли, бирининг оёғи йўқ ногиронларни тўртта азамат уриб-тепиб ҳовлига олиб чиқиб ташлаяпти. "Нима қиляпсиз, нобакорлар" деб олдинга интилган эдим, ҳамхонам "сиз аралашманг"деб билагимдан маҳкам ушлаб қолди. Бир чеккада тасбеҳ ўгириб, мени кузатиб турган "оқ дўппи"лик бир ўқрайди-ю, гумашталарига "Бўлди қилларинг" деб буйруқ берди. Хонадан чиқариб ташланган оғзибурни қонга беланган ногиронлар атрофдагилардан нажот кутгандек мўлтирашиб қолаверишди. У бечораларнинг гуноҳи бошқа миллат вакиллари экан, тўс-тўполондан безор бўлиб, улардан "сағал секинроқ гаплашинглар" деб илтимос қилгани учун шундай жазоланипти.

Эртасига яна бир ғалати ҳолат бўлди. Тушга яқин ўн чоғли қора машина сигнал чалиб ҳовлига кириб келди. Қўриқчи йигитлар йўлакда юрганларни туртиб-суртиб, хона-хоналарига киритишди. Бир тўда ҳовлиқма совға-саломлар билан "Ф"нинг хонасига кирди. Булар касал кўргани келган меҳмонлар бўлиб, ўртадаги жингалак сочли, шаҳар бўйича "тўда боши"нинг ўзи экан.

Шундан кейин икки кун нисбатан тинчроқ тонг оттирдик. Учинчи куни хайрият оқ дўппилик қандай келган бўлса, бир кечада шундай ғойиб бўлди. Ҳаммамиз, хайрият "қуриганинг рост бўлсин" қилдик.

Аммо икки ўртада "Люкс" хонадан оддий хонага кўчирилган уруш фахрийсининг аҳволи оғирлашиб уйга олиб кетишди. Судраб ҳовлига чиқариб ташланган ногиронларнинг бири тепки зарбидан оғзидан қон келиб, шу ерда нобуд бўлди. Бош шифокор ариза ёзиб ўз ихтиёри билан бўшаб кетди...

Мана ўша воқеалардан кейин қарийб йигирма олти йил ўтипти. Эсласам, ҳалиҳали юрагим ҳаприқиб кетади...

Деярли ҳар куни кечки овқатдан сўнг кўча айланаман. Юнусободнинг кенг, ёруғ кўчалари тинч. Яшил дарахт баргларининг майин шивирларига қулоқ тутаман. Бекатларда, ёруғ йўлкаларда юрган ёшларнинг нигоҳидаги мусаффо туйғуларни кўриб кўзим қувонади. Кўп қаватли уйлар ёнидан ўтар эканман, тизилишиб турган турли русумдаги ранг-баранг машиналар ҳам бировларнинг таҳдидидан ҳадиксирамай эмин-эркин тургандек туюлади. Наинки машиналар, уларнинг эгалари ҳам уй-уйларида хотиржам ҳордиқ чиқаришаётганидан кўнглим хотиржам бўлади.

Бундай дориламон кунларга етишни орзу қилиб, армон билан ўтиб кетган ота-боболаримизни ўйлайман! Ҳа, кимлар етди, кимлар етмади мустақиллик деган неъматга.

**Жўра МАҲМУД**

**БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ**

***— Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситаларига ишончномаларни расмийлаштириш тартиби қандай?***

**Қоракўл туманидан А.Авезов.**

*— Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситаларига ишончномалар улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади. Аммо Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 57-бандига кўра, "Эркин муомалага чиқариш" божхона режимига расмийлаштирилган автотранспорт воситаларининг гувоҳномаларида "автотранспорт воситасини ўзга шахсга фойдаланишга, эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш чекланади" сўзлари қайд этилган ҳолларда:*

*- 5 йил муддат доирасида автотранспорт воситасини ўзга шахсга фойдаланишга, эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш, БЮД(божхона юк декларацияси)га тегишли ўзгартиришлар киритилгандан ва янги гувоҳнома расмийлаштириб берилгандан сўнг амалга оширилади;*

*- 5 йиллик муддат ўтгандан сўнг, БЮДга ўзгартириш киритилмасдан ва янги гувоҳнома расмийлаштирилмасдан қонун ҳужжатлари асосида автотранспорт воситасини ўзга шахсга фойдаланишга, эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш мумкин.*

**Саволга Қоракўл туман 1-ДНИ нотариуси Алишер БАҲРОМОВ жавоб берди.**

**ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР**

# ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАШ

**Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ", – деб алоҳида таъкидлаган. Бу гапнинг чуқур мазмунини мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб янада теран ҳис қиляпмиз. Юртимиз тарихини ўрганган сари, ота-боболаримиздан қолган улкан мероснинг залворли қисмини номоддий маданий мерос – қадимий куй-қўшиқлар, достон ва термалар, урф-одат, байрам ва маросимлар ташкил этишини англаб етаяпмиз. Улар ҳаётимизга янги мазмун бахш этиб, гуллаб-яшнаётган шаҳар-қишлоқларимиз, ўтказилаётган байрам ва тантаналаримиз файзига-файз қўшяпти.**

**Бу эзгу ишга Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази жамоасининг изланишлари ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Марказ директори, сиёсий фанлар номзоди Азамат ҲАЙДАРОВ билан шу кунгача бажарилган ва келгусида режалаштирилган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.**

*— Азамат Ҳайдарович, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўлкамиздаги номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича тузилган давлат дастури маданиятимизнинг нодир ёдгорликларини кенг миқёсда ўрганишда айни муддао бўлмоқда. Дастурга мувофиқ шу йиллар мобайнида марказ томонидан қандай ишлар амалга оширилди?*

— Юртимизнинг ҳар бир қарич ери муқаддас ва табаррук. Аждодларимиз шу юртнинг гуллаб-яшнаши учун фақатгина умрини эмас, бутун ақлу заковатини бахшида этиб яшаган, ўзларидан умрбоқий қадриятларни мерос қилиб қолдирган. Биз тарихимиз ва ижодкор, донишманд ота-боболаримиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Фақат фахрланиш билан чекланмай уларнинг меросини ўрганишимиз, ундан фойдаланишимиз керак. Бу ўсиб келаётган авлод қалбида маънавий жасорат ҳисларини уйғотади. Зеро, Президентимиз: "Агар мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса мен авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимиз меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим", – деб бежиз таъкидламаган.



Биз ворислик қилаётган мероснинг аксарият қисмини номоддий маданий мерос ташкил қилади. Номоддий маданий мерос атамаси кейинги йилларда пайдо бўлган бўлса-да, бироқ, унинг моҳиятида, туб илдизларида халқимизнинг оғзаки ижод намунаси сифатида қараб келинаётган қадимий фольклор ҳамда миллий ҳунармандликка оид билим ва кўникмалар, урф-одат, маросим, байрамлар, шунингдек, ижро санъати намуналари ётади.

ЮНЕСКО 2001 йилда номоддий мерос таърифини келишилган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадида аъзо давлатлар ва нодавлат ташкилотлар ўртасида сўров ўтказди. Махсус бир таърифга келишилгач, 2003 йил 17 октябрда Париж шаҳрида Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича Конвенция қабул қилинган.

Давлатимиз ҳам 2008 йили ушбу Конвенцияни ратификация қилиб, унга аъзо бўлди. Шу муносабат билан номоддий мерос масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарорига асосан, 2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва ундан фойдаланишга Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастур ижроси учун эса республикамиздаги 38 та ташкилот ва муассасаларни бириктирилди. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказига давлат ва нодавлат ташкилотларнинг номоддий маданий мерос масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи муассаса мақоми берилди.

Дастур ижросини таъминлашга жалб қилинган муассасалар ўз йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларни бажаряпти. Масалан, марказ шу кунгача республикамиз бўйлаб бир қатор илмий экспедициялар уюштириб, ўрганилган номоддий мерос намуналари рўйхатини шакллантирди. Ҳали илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаганлари аниқлаб олинди. Бу жараёнда республикамизнинг туман-шаҳарларида фаолият юритиб келаётган бўлимларимизда вилоятга хос номоддий маданий меросни ўзида сақловчи ва етказувчилар рўйхатга олинди. Улар билан жойларда учрашувлар ўтказиб, фаолият турларига аниқлик киритилди.

Номоддий маданий мерос намуналарининг маҳаллий рўйхатлари тузилиб, доимий янгиланиб борилмоқда. Маҳаллий рўйхат бу муайян ҳудудга хос бўлган номоддий маданий мерос намуналари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳисобга олиш ҳужжатидир. Маҳаллий рўйхатлар республика даражасида тузиладиган Миллий рўйхатини, Миллий рўйхат эса, ўз навбатида, дунё бўйича юритиладиган инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига тавсия этилаётган намуналар рўйхатини тўлдириб, янгилаб боради.

Бугунги кунгача Ўзбекистон номидан тавсия этилган дурдона меросларимиз Шашмақом, Катта ашула, Наврўз, Аския ҳамда Бойсун маданий муҳити ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилган. Шунингдек, 2016 йилда ЮНЕСКОнинг ушбу рўйхатига киритиш масаласини кўриб чиқиш учун "Палов маданияти ва анъаналари" намунасига оид ҳужжатлар тақдим этилган. Бундан ташқари, аввал, Наврўз байрами олти давлат билан бирга берилган бўлса, яна олти давлат рўйхатда номлари акс этиш истагини билдиргани учун "Наврўз — 2016" тавсияномасини 12 давлат билан биргаликда тайёрлаш ва қайта тақдим этиш чоралари кўрилди. Шунингдек, 2017 йилда кўриб чиқиш учун "Дорбозлик санъати" ва "Марғилон ҳунармандлик мактаби" номзодлари Ўзбекистон номидан ЮНЕСКОга тавсия этилган.

Юқорида айтганимиздек, ота-боболаримиз қолдирган қанчадан-қанча номоддий маданий мерос ворисларимиз. Бу бебаҳо хазина ижро санъати, анъанавий ҳунармандлик билан боғлиқ билим ва кўникмалар, жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари, ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар кўринишида бизгача етиб келган. Уларнинг аксариятини инсониятнинг бойлиги сифатида ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритиш учун тавсия этиб, дунё миқёсида тарғиб қилсак арзийди. Масалан, дорбозлик санъатимиз дунёнинг бошқа жойларида учрамайди. Тўғри, циркларда паст сим дорларда ҳар хил трюклар кўрсатилади. Лекин очиқ майдонларда баланд дор ўрнатиб томоша кўрсатиш ота боболаримиздан фақат бизга мерос бўлиб қолган. Бундай дурдона меросларимиз кўп. Тарихий ёдгорликлар зарур бўлганда таъмирланиб турилганидек, номоддий маданий меросимизни ҳам сайқаллаб, замонавий руҳ бағишлаб боришимиз лозим. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ана шу мақсадда кўплаб тадбирларни амалга оширяпти. Масалан, дорбозлик санъатини ривожлантириш, дунёга тарғиб қилиш учун "Алпомиш ўйинлари" кўрик-танловини, "Майдон томошалари санъати" фестивалини ўтказишни йўлга қўйди. Натижада дорбозлик ва цирк гуруҳлари фаолияти сезиларли даражада жонланди. Ҳозирги кунда республикамиз миқёсида 47 та дорбозлик жамоаси, 21 та цирк гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 10 та дорбозлик жамоаси, 8 та цирк гуруҳига "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" мақоми берилди. Энг муҳими мана шундай эътибор ва рағбат орқали дорбозлар ва цирк гуруҳлари ўзлари кўрсатаётган томошаларга масъулият билан ёндашмоқда.

*— Кўҳна ва навқирон Самарқанд заминида ўтказилаётган "Шарқ тароналари" фестивалига ташриф буюрган хорижий меҳмонлар ҳар гал мумтоз ашулаларимизни ҳаяжон билан тинглаганини кўриб, беихтиёр ғурурланиб кетамиз. Айтинг-чи, халқлар ўртасидаги адабий-маданий муносабатларни барқарор бўлишида бундай нуфузли кўрик-танловларнинг қай даражада ўрни бор?*

**НУҚТАИ НАЗАР**

# Адабиёт — юксак маънавият асоси

**Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўзбек халқи фуқаролик жамияти ривожининг маънавий-маърифий жабҳаларида улкан ютуқларга эришди: миллий ўзлигини англади, менталитети жаҳон сари юз тутди, адабиёт ва санъат равнақ топди. Миллат ва элатлар ўз иззатини тиклади, юксалди. Яъни, адабиёт қалб-шуури, маънавий бойликка айланди.**

Президент Ислом Каримов «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарида шундай таъкидлайди: *«Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди»*.

Қувонарлиси шундаки, Юртбошимизнинг 2016 йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони айни пайтда, адабиётнинг халқимиз ва жамиятимизнинг равнақ топиши, маънавий ривожи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, қалбни руҳан покланишдаги роли ва ўрни нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат бериши билан бир қаторда адабиётга — маънавиятга эътиборнинг яна бир тимсоли, бу соҳада бошланган тубислоҳотларнинг давоми бўлди. Мазкур фармон янги ташкил этилаётган университетнинг энг муҳим вазифалари сирасига: "....илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;" лозимлиги кириши қайд қилинди.

Дарвоқе, ижодкор олам ва одам ҳақида аввалгидан фарқли ўлароқ, соғлом фикрлаш, яъни адабиёт нуқтаи назаридан кўпроқ билишга интилади. Натижада оламни, одамни, уларнинг туйғуларини турлича ифодалайдиган бадиий асарлар яратиш — бугуннинг долзарб вазифасига айланди. Истиқлол адабиётида тасвирланаётган инсон ўзининг башарият, Ватан, эл-юрт олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда намоён бўлмоқда. Демак, халқ ҳаётидаги истиқболли давр адабиёти юқори босқичга кўтарилди, унинг мазмун ва шакли янгиланди ҳамда бойиди.

Янгиланаётган адабиёт, ўз навбатида демократик жамиятнинг мустаҳкамланишида қудратли қурол вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ўзининг яна бир қимматли «Юксак маънавият — енгилмас куч» деб номланган асарида: *«Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафкуравий тазйиқдан бутунлай халос бўлганини қайд этиш жоиз. Ҳар қандай ижод намунаси, бадиий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди»*, — деб таъкидлаган эди.

Истиқлол адабиёти мавзу нуқтаи назаридан ҳам, бадиий тасвир тамойиллари жиҳатидан ҳам илгариги қолипларга сиғмайдиган, табиий равишда ривожланаётган янги эстетик ҳодисадир. У одамларга йўл кўрсатишни зиммасига олмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, ҳаётий муаллимликни даъво қилмайди, балки бадиий тасвирнинг нозиклиги, ифодаларнинг фавқулоддалиги, образларнинг кутилмаганлиги билан ўқувчида ахлоқий адаб, маънавий покланиш муносабатларини уйғотади. Бу адабиётнинг жозибаси зоҳир (ташқи, ошкор)да эмас, ботин (ичкари, яширин, сирли)да бўлиб, бадиий матн замирига жойланган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий адабиёти чинакамига ранг-барангдир. Унинг бағрида турли-туман ижодий тажрибалар кечади, ижодий йўналиш ва оқимлар кесишади ва шу орқали чексиз олам бағрида кечаётган инсоннинг мураккаб дунёси кашф этилади. Адабиёт инсон истиқболи, руҳан покланишида ижобий таъсир этишига Президент Ислом Каримовнинг: *«Ҳеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илғор қисми бўлмиш бадиий адабиёт вакилларининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бугунги ҳаёти, тақдири ва келажагини яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёсдир»*.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими бадиий адабиётни кўплаб мутолаа қилишлари, уларда юксак маънавий камолот тамойиллари шаклланиши айни муддаодир, деб ўйлаймиз. Чунки, китобхонлик қалб-шуурини, айниқса адабиёт орқали нафақат бадиий, балки илм-фан адабиётлари, соҳалар бўйича эса юридик адабиётлар орқали касб маҳоратни эгаллашда эҳтиёж ва тушунчаларимизни кенгайтиради, китоб одамга ўзининг "мени" ҳудудидан ташқарига чиқишга ниҳоятда катта ёрдам беради. Фахр ва ғурур билан АҚШнинг Гэллап институти томонидан 2015 йилда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасидан Ўзбекистоннинг «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» бўйича 2-ўринни эгаллашида адабиётнинг ҳам таъсирчан роли борлигини қайд этамиз.

Адабиёт миллийдир, у ҳар бир халқ маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Халқнинг тарихий ҳаёти ҳамда руҳиятидаги хусусиятлар адабиётнинг миллийлиги мазмунини ташкил этади ва ўзига хос миллий шаклни юзага келтиради. Миллий шаклнинг юзага келишида адабиёт томонидан узоқ давр мобайнида йиғилган тажриба ва анъаналарнинг ҳам аҳамияти катта бўлади. Шу боис *«Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта»*, — деб қайд қилган эди Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида.

Адабиёт тарихи — миллий халқ тарихига мурожаат қилсак, милоддан аввалги V асрда момомиз форс подшоҳи Кир II ни ҳарбий маҳорат билан мағлубиятга учратди. Широқ бобомиз ватанпарвар чўпон ўз она Ватани ҳурлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо қилди. Ушбу қаҳрамонликлар халқ хотирасида ривоят ва афсоналар тарзида шаклланди. Юнон тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» асарида мазкур ривоятларнинг тарихий ҳақиқат эканлиги қайд этилган.

Халқимизнинг минг асрга татигулик халқ оғзаки ижоди намуналари — «Алпомиш», «Гўрўғли» достонлари каби қаҳрамонлик, жасоратни тараннум этувчи эпослар ўқувчининг, ёш авлоднинг бадиий тафаккурини ўстиришга, маънавий дунёқарашининг бойишига, Ватанга бўлган муҳаббати ва фахрланиш ҳиссини янада оширишга хизмат қилади. Чунончи, мамлакатимиз ёшлари учун халқ оғзаки ижоди мардлик ва жасорат намуналарини шакллантиришда катта туртки бўлади. Уларнинг она Ватанга бўлган садоқат рамзи янада кучаяди, унинг тинч ва осойишта фаолият кўрсатишини таъминлаш учун, керак бўлса жонини фидо қилишга — Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темир каби миллий қаҳрамонларимиздан намуна олади, ҳамиша сергак ва огоҳ бўлади.

Таъбир жоизки, адабиёт — бу фан, илм олами демакдир. Аллома Абу Наср Форобийнинг «Шеър санъати...» китобида муфассал тарзда адабиётнинг илмий салоҳияти баён қилинган. Унда шеърий асарнинг яратилиш табиати, ижодкор шахси ва маҳорат муаммолари, сўз қадри хусусида фикр юритилади. XI асрда яшаган адабиётшунос Абдулқодир Журжонийнинг «Асрор ул-балоға фи-илми баён» («Баён илмида балоғат сирлари») асарида сўз санъатидаги шакл ва мазмун масаласига алоҳида урғу берилса, XIII асрда яшаган қомусий олим Қайс Розийнинг «Китоб ул-мўъжам фи-маойири ашъор ил-ажам» («Ажам шеърияти меъёрлари қомуси») китобида назарий масалалар — аруз тизими, поэтик санъатлар, шеърий жанрлар таҳлил этилган.

Адабиётнинг юксак маънавий бойлигини шоирлар султони Алишер Навоий ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни туркий ўзбек тилидаги беназир назмий мисралари билан инсон ва инсонпарварликни улуғлашга, унинг руҳий оламини юксалтиришга хизмат қилганлигини кўрамиз. Алишер Навоий маънавий мероси, қалб-шуурига айланган ижоди ҳуқуқ-тарғибот ходимларини ростгўй, адолатли, сабр-тоқатли, халқнинг ташвиши ва дардига дармон бўлишга чақиради. Бундай фазилатларга эга бўлган Ватанимиз ҳимоячилари халқнинг ишончига киради, инсонпарварлик ғояларини пухта эгаллайди.

Мустақиллигимиз туфайли дунёдаги энг қадим маданият ўчоқларидан бири бўлмиш юртимизда яратилган жамики адабий-эстетик бойликларга холис нуқтаи назар билан қараш ва баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Натижада ижодкорлар сўз санъатимиз тарихида эътиборга лойиқ, неки асар бўлса, барчасини чуқур ўрганишдек масъулиятли юмушга киришдилар. «Авесто»дек теран ва мураккаб диний-маърифий ёдгорлик қайтадан тикланди, халқимизнинг миллий мулкига айланди. Шунинг учун Президентимиз «Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз», деб номланган асарида адабиёт вакилларининг фаолиятига юксак баҳо бериб, қуйидаги фикрга эътиборимизни қаратади: *«Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан олдин сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан»*.

Адабиёт — бу нафақат бир миллат, балки жаҳон минбари бўлиб, унинг жаҳон аҳли учун очиқлиги ҳамда мамлакатлар, халқлар ва буюк ижодкорларнинг ўзаро ҳамкорлигини, ҳамфикрлигини таъминловчи омилдир. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги шеърини келтириб ўтишни ўринли деб биламиз:

*Мен дунёни нима қилдим,*
*Ўзинг ёруғ жаҳоним.*
*Ўзим ҳоқон,*
*Ўзим султон,*
*Сен тахти Сулаймоним.*
*Ёлғизим,*
*Ягонам дейми,*
*Топинган кошонам дейми,*
*Ўзинг менинг улуғлардан*
*Улуғимсан Ватаним.*

Жаҳон айвонида улуғлардан улуғ Ўзбекистонимизнинг шонли миллий адабиёти ва унинг тарихига бағишлов эмасми? Худди шундай. Юртбошимиз Ислом Каримов «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» деб номланган тарихий аҳамияти чексиз асарида ўтмишга, ота-боболаримиз, момоларимизнинг азиз руҳи ва дуолари туфайли ҳам *«Сиз, азизларнинг дуоси билан ана шундай буюк бахтга, толега сазовор бўляпмиз, Ватанимиз янада равнақ топмоқда, дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига чиқяпмиз, деб яхшилик, эзгулик, хайрли ва савоб ишлар ҳақида суҳбат қурамиз»* деб қайд қиладилар.

Дарвоқе, умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари маънавиятини юксалтириш учун биринчи навбатда уларнинг дунёқарашини замон талабларига адабиётнинг маънавий-ахлоқий таъсирида мослаштириш зарур. Адабиёт барча оммавий ахборот воситалари, театр, кино, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолият, бу — халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтариш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу боис Юртбошимизнинг қуйидаги: «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида **«Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»**. — деган таъкиди барчамизга дастуриламал бўлиши керак. Демак, ҳар бир фуқаро ҳам маънан, ҳам жисмонан қудратли куч сифатида намоён бўлар экан, давлатимиз тинч ва осойишта ҳамда очиқ фуқаролик жамиятига айлана бориши — пировард мақсадимиз бўлиб қолаверади.

**Равшан ЭРНАЗАРОВ,**
**ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, доцент,**
**Валижон ҲАҚЛИЕВ,**
**ИИВ Академияси доценти**

# Ўзликни англашдир

— Биз азал-азалдан эзгуликка интилган, бошқа миллат вакиллари, қўшни давлатлар билан тинч-тотув бўлишга, аҳил-иноқ яшашга ҳаракат қилган халқмиз. Бунга далил бўладиган тарихий манбалар жуда кўп. Ва яна бир нарса маълумки, азал-азалдан бошқа миллатлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатишда маданият ва санъат кўприк вазифасини ўтаган. "Шарқ тароналари" фестивалининг ташкил этилишида ана шундай эзгу мақсад кўзлангани аниқ. Ўн йилдан буён ўтказилаётган бу фестиваль бугунги кунда нафақат Шарқ халқларининг, балки, дунёнинг энг нуфузли анжуманларидан бирига айланди. Унда иштирок этишни хоҳловчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Бу бежиз эмас. Чунки мана шу фестиваль баҳона қанчадан-қанча нодир асарлар тикланяпти. Қўшни халқлар билан маданий алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда. "Шарқ тароналари" санъат ва маданият мактабига айланди. Биз бошқа халқлардан, улар биздан ниманидир ўрганяпти. Энди, хорижий меҳмонлар бизни мумтоз куй-қўшиқларимизни эшитиб ҳаяжонланганига келсак, бу табиий ҳол. Куй-қўшиқ — инсоният яратган энг сеҳрли мўъжиза. Мўъжизалиги шундаки, у миллат танламайди. Умуминсоний кўнгил кечинмалари билан яратилган куй-қўшиқнинг умри боқийдир. Қачон ва қаерда янграшидан қатъи назар юракларни ҳайрат ва ҳаяжонга солаверади. Биз уларни мумтоз куй-қўшиқлар, деймиз. Ижодкор халқимиз яратган Катта ашула, Шашмақом ҳам ана шундай дурдоналаримиздан ҳисобланади. Шунинг учун бу куй-қўшиқларимиз нодир асарлар сифатида ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилган.

"Муножот"ни қаранг, қандай ажойиб куй! Унга Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов жуда чиройли таъриф берган:

*Эшилиб-тўлғаниб инграниди куй,*
*Асрлар ғамидан сўйлар Муножот.*
*Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига,*
*Қандай чидай олган экан одамзод.*

Яхши куйлар мана шундай гўзал фикрлар уйғотади. "Шарқ тароналари"да фақат "Муножот"га ўхшаган мумтоз куй-қўшиқлар янграб мамлакатлараро дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Бу фестивалга юқори баҳо берилаётганининг сабаби ҳам шу.

*— Бугун мамлакатимизнинг барча гўшаларида барпо этилаётган маданият саройларида музей, кутубхона, бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Айниқса, истироҳат боғлари, салқин шаббода уфуриб турган фавворалар атрофида кўчма китоб дўконлари, театр томошалари ва концерт уюштириш одат тусига кириб бораётгани одамларни ҳаётга янги нигоҳ билан қарашга ундамоқда. Шундай эмасми?*

— Истиқлол туфайли юртимиз ҳаётида катта ўзгаришлар юз беряпти. Айниқса, фикр-қарашларимиз, орзу-интилишларимиз, турмуш ва маданиятимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳар қанча қувонса арзигулик. Мана шу ўзгаришлар барча соҳаларда эришаётган ютуқларимизнинг омили бўлмоқда. Миллий маданиятимиз анъаналарини тарғиб қилиш, аҳолининг ижтимоий, маданий фаоллигини янада ошириш, қишлоқ жойларда яшовчи ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, мазмунли дам олишини ташкил қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда мавжуд бўлган икки мингга яқин маданият уйлари ва клублар негизида 894 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази таъмирланиб, моддий техник базаси тўлиқ янгиланмоқда. Бу марказларда маданий-маърифий хизматлар, интернет-студиялар, турли курслар, мунозара клублари, спорт турлари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар, танловлар, фото ва амалий санъат кўргазмалари ташкил этилади.

Шунингдек, халқ ижодиёти ва томоша санъатини минифестиваллари, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни акс эттирувчи оммавий театрлаштирилган байрам томошалари, халқ сайилларини ташкил этиш орқали бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунгача 116 та боғда дастурда белгиланган барча вазифалар уддаланди. 37 та маданият ва истироҳат боғида янги боғлар ташкил қилиниб, 55 тасида капитал реконструкция ишлари якунланди. Бу ишларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисига, ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин бир кўринишидир.



*— Азалдан ўзбек хонадонларида дутор, рубоб, доира ва най каби созлар турган. Ҳозиргача бундай анъана давом этиб келмоқда. Аммо ота-боболаримиз ишлатган қадимий созларнинг айримлари бизгача етиб келмаган. Бундай санъат ёдгорликларини ўрганиш учун қандай изланишлар олиб борилмоқда?*

— Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди", — деб ёзган сўзлари бор. Саволингиз ана шу ҳақиқатни яна бир бор эслатди. Чиндан ҳам биз қўшиқни, мусиқани севадиган халқмиз. Шунинг учун уйларимизнинг деворларига чолғу асбобларини илиб қўйиш барчамизга одат бўлиб қолган. Бу санъатга муҳаббатимиз рамзи, аждодларимиздан мерос анъана. Санъатсевар аждодларимиз яхши куй-қўшиқлар яратиш мақсадида хилма-хил чолғу асбобларидан фойдаланган. Афсуки, кўплаб қадимий созлар бизгача етиб келмаган. Буни турли сабаблари бор. Айрим чолғу асбоблари даврлар ўтиши билан талабга жавоб бермай қолган ёки дутор, танбур, най каби мукаммал кўринишга келтирилган. Шўро даврида маданият ва санъатини руслаштиришга бўлган уринишлар ҳам кўплаб миллий чолғу асбобларимизни йўқолишига сабаб бўлган. Лекин нима бўлгандаям, қадимий созларимизни имкон борича излаб топиб, уларга янги ҳаёт бағишлаш бизнинг бурчимиз. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик марказида бу эзгу ишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Вилоятларда уюштирилаётган илмий-экспедицияларда қадимий созлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплаб, уларни тиклашга, одамларда сақланиб қолган, бугунги кунда кўпчиликка номаълум бўлган чолғуларни тарғиб қилишга интиляпмиз. Ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар туфайли анчагина урфдан қолган чанқовуз, сибизға, буломон, қўшнай, чўпоннай, дўмбира, қўбиз каби чолғу асбобларимизга эътибор кучайди.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари ва удумлари бўлгани каби бошқаларникига ўхшамайдиган миллий таомлари ҳам бўлади. Бизнинг ҳам довруғи етти иқлимга кетган ўзбекона таомларимиз кўп. Бу йил ЮНЕСКО йиғилишида Ўзбекистон номидан тавсия этилган "Палов маданияти ва анъаналари"ни репрезентатив рўйхатга киритиш масаласи кўриб чиқилади. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий методика маркази жамоаси ҳам юртимиздаги фаровонлик ва тўкин-сочинликни рамзи сифатида пазандалар беллашувларини ташкил қилишга эътибор қаратмоқда. Яқинда Навоий вилоятининг Нурота туманида бўлиб ўтган фольклор-этнографик жамоалар ва бахшиларнинг "Нурли наволар" деб номланган фестивалида ҳам навоийлик пазандаларнинг қизиқарли беллашуви бўлиб ўтди. Аждодларимизнинг бизга қолдирган номоддий-маданий мерослари ҳақида узоқ суҳбатлашиш мумкин. Биз бугун уларнинг айримларига тўхталдик, холос. Қизиқарли маълумотлар, айтиладиган гаплар қанчалик кўп бўлмасин, хулоса битта, биз қадриятларимизни қанчалик қадрласак, маънавиятимиз шунчалик бойийди. Чунки юрт тарихини ўрганиш, энг яхши анъаналарга эҳтиром кўрсатиш ўзликни англашдир.

**"Hurriyat" мухбири**
**Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.**

## Улуғлар сабоғи

### Тилга муҳаббат тўғрисида

*Сизлар ҳар қаердан келгансизлар, институтни битирганларингдан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан бирга, биринчи навбатда ўз она тилимизга — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар!*

### Қўшиқчилик тўғрисида

*Дунёда ҳар нарса бўлиши, чунончи, товуши бўлмаган одам ўзича тўсатдан ашула айтиб юбориши мумкин. Майли, айтсин, лекин унинг ашуласини ёзиб олиб радиода бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Буни ёзиб радиога бериш машинистгагина керакли бўлган паровознинг гудогини ёзиб олиб радиода беришдай бемаъни бир иш бўлар эди.*

***

*Кўнгилга хуш келмайдиган, ёғланмаган эски араванинг ғийқиллашига ўхшаш шу ашулани эшитишга объектив равишда бўлса ҳам мажбур қилиш нима деган сўз ўзи?..*

***

*Менинг назаримда ҳамма иллат шундаки, ашула жанрига халтурачи — текинтомоқ одамлар суқилиб кириб олган...*

### Дабдабали тўйлар хусусида

*Қадимги бойлар тўйини мумкин қадар катта қилишар эди. Лекин бойнинг тўйини катта қилишдан, бир ҳафта, ўн кун ва ҳатто бир ой тўй беришдан мақсади, шубҳасиз, текин томоқ улашиш эмас, обрў орттириш, чунки пул сочиб орттирадиган обрўдан яна пул ясаш мумкин эди. Модомики, шундоқ экан, ҳозирги замонда пул сочишнинг маъноси борми? Бу замонда обрўнинг бирдан-бир манбаи — меҳнат, обрў эса пул ясаш қуроли эмас, халқнинг ҳурматига сазовор бўлишдир.*

**Абдулла ҚАҲҲОР**

**ҲУНАРМАНДЧИЛИК**

Самарқанд ипак қоғози, Чуст дўпписи, Марғилон атласлари... Ватанимизнинг деярли барча қадимий, йирик шаҳарлари ўзига хос тенги йўқ маҳсулотлари билан жаҳонга машҳур бўлган. Бугунги тил билан айтганда, "брэнд" тушунчаси айнан ўша маҳсулотлар тимсолида юзага келган десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, Шаҳрихон пичоқлари дейилса, одамлар мустаҳкам, пишиқ, бежирим, энг муҳими, сифати кафолатланган пичоқларни кўз олдига келтирган.

# Шаҳрихон пичоқлари

Шаҳрихон Андижон вилоятининг йирик туманларидан бири бўлиб, бой тарихга эга. Туман маркази Шаҳрихонга XIX асрда янги иқтисодий ривожланган, сиёсий, маданий жиҳатдан ўз мавқеига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, халқаро бозорга олиб чиқа олиш имкониятига эга бўлган Қўқон, Марғилон, Андижон каби шаҳарлар билан иқтисодий рақобатлаша оладиган марказ сифатида олам саҳнида пайдо бўлди.

Шаҳрихоннинг ўзига хос кўриниши ҳақиқий Шарқ эртакларидаги манзарани ёдга солади. У ернинг одамлари ҳам ўзгача. Эгнида атлас либос, бошида ироқи дўппи кийиб олган лобар қизлар, дуогўй онахону отахонларнинг нур ёғилиб турган юзлари баҳридилингизни очмасдан қолмайди. Бозор расталарида шириндан-шакар мевалар, полиз экинлари, буларнинг барчасини ана шу меҳридарё инсонлар етиштиради. Маҳаллаларини айланар экансиз, ўзгача таассурот билан қайтишингиз муқаррар. Узоқ-узоқлардан эшитилиб турган "тақ-туқ" товушлар ҳам бу ерга ўзгача фусун, файз бағишлайди. Ҳақиқий ҳаёт, тириклик овози... Сизни оҳанрабодек ўзига тортган бу товуш пичоқчию темирчилар маҳалласидан келаётган бўлади.

Халқ ҳунармандчилигининг энг қадимги турларидан бўлмиш пичоқчилик санъати Шаҳрихонда XIX аср бошларида ривожланди. То бугунги кунга қадар ривожланиб, сайқал топган.

Юртимизда азалдан пичоқчилик санъати ривож топган. Хусусан, Қўқон, Хива пичоқчилик мактабларига мансуб усталар ясаган пичоқлар нафақат маҳаллий истеъмолчилар учун балки, хорижлик савдогарлар учун ҳам чиройли совға ҳисобланади. Шаҳрихон "брэнд"и остида ясалган пичоқларнинг тузилиши, композицион ечими билан алоҳида қиймати бор. Уларни кўздан кечирар эканмиз, ҳар бир уста анъаналарга содиқ ҳолда ўз муҳрини тушириб, гўзал санъат намунасини яратади. Мазкур муҳрлар турли кўринишга эга: кимдир ярим ой, уч юлдуз, яна кимдир ой ва юлдуз шаклини муҳрлайди.

Пичоқлар мустаҳкам пўлатдан тайёрланиб, бежирим безакларга бойлиги билан ажралиб туради. Усталар пичоқ дастасига ишлов беришда оддий ёғочдан ташқари, фил суяги, каркидон, ёввойи эчки ва архар шохларидан ҳам фойдаланган. Дастага ёқут, феруза, кумуш ёпиштирилган. Бу ҳар қандай буюмнинг тароватини оширади.

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан миллий ҳунармандчилигимизни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳа билан шуғулланаётган ҳунарманд усталарга беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилиб, улар учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Ҳозирги кунга келиб, Шаҳрихон пичоқчилик мактабига юртимизда ҳам, хорижда ҳам катта қизиқиш билан қаралмоқда. Чунки Шаҳрихонда сулола тарзида давом этиб келаётган пичоқчилик мактаби устазодалари истиқлол шарофати билан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, соҳаларини янада такомиллаштириш борасида "устоз-шогирдлик" анъаналари асосида изланишлар олиб бормоқдалар.

**Шоҳиста ОРТИҚОВА**

# МЎЪЖИЗАКОР ИПЛАР

**САНЪАТ**

Қўғирчоқ ва ўйинчоқлар болажонларнинг энг севимли овунчоғи десак муболаға бўлмайди. Атрофига қадрдон ўйинчоқларини териб қўйиб, суҳбат қуриб, уларни ҳаракатлантириб ўйнаётган болани кўрганда, кўнгил ёришиб кетади.

Айниқса, боланинг эндигина тили чиқиб, гоҳ ўзи, гоҳ қўғирчоғи номидан гапириши, бизга завқ бағишлайди.

Ҳаётда фарзандининг бахту қувончини кўришдан ҳам ортиқ хурсандчилик борми ота-оналар учун? Болаларнинг беғубор қалбидаги севинчни янада орттириш учун қўғирчоқ театрига етаклаймиз. Спектакль намойиши даврида уларни кузатганимизда ҳайратимиз янада ортади. Севимли қаҳрамонларининг ҳаракати, гапириши мурғак қалб соҳибларини маҳлиё қилиб қўяди.



Қўғирчоқ театри қадимий санъат турларидан. У орқали қўғирчоқбозлар томошабинларга шунчаки завқ ҳадя этишмаган, балки ўз даври муаммоларини ёритишга ва шу орқали кишилар ҳаётига оз бўлса-да, енгиллик олиб киришга уринишган.

Бугун ушбу санъатнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, марионетка (ипли қўғирчоқлар) театри нисбатан мураккаброқ ҳисобланади. У XVI асрда шаклланган бўлиб, айрим манбаларда Италияда кашф этилган ва "марионетка" сўзи италиялик ихтирочи Марионинг номидан олинган дейилса, баъзи тарихий китобларда ипли қўғирчоқлар томошаси Қадимда, Шарқда, хусусан мамлакатимиз ҳудудида бошланган ва у "Чодирхаёл" номи билан машҳур бўлгани айтилади. Марионетка бутун дунё бўйлаб оммалашган. Унинг бошқаларидан фарқи шундаки, қўғирчоқнинг қўли, оёғи, боши, гавдаси ип билан маҳкамланади ва барча иплар "вага" деб номланадиган таёқчага бириктирилади. Қўғирчоқбоз мана шу "вага"-ни қимирлатиш орқали ипларни ҳаракатга келтиради, бу эса қўғирчоқни одамдек ҳаракатланишига олиб келади. Шу билан бир қаторда қўғирчоқбоз қўлидаги қаҳрамонининг ҳиссиётини кўрсатиб бера олиши ва томошабинларга унутилмас лаҳзаларни тақдим этиши ҳам талаб этилади.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланмиш "Theatre – Studio Silk Route Marionettes" ипли қўғирчоқлар театри ҳам ўзининг ранг-баранг ва қизиқарли спектакллари билан болажонлар қалбини хушнуд этиб келмоқда.

– Бир ғояни ҳақиқатга айлантириш учун, жуда ҳам кўп машаққатлар, баъзида йўқотишлар, қийинчилик ва омадсизликларга дуч келишга тўғри келади. Аммо ҳақиқий ижодкорлар ҳар қандай ҳолат содир бўлмасин, ўзининг "олий мақсадларини" рўёбга чиқаришга интиладилар. Театр ташкил этиш учун ёш ва ижодга чанқоқ талабалар танлаб олинди ва икки йил давомида тажрибали мутахассислар томонидан ушбу санъат тури ўргатилди. Устозлар ёрдамида бу санъатнинг нозик қирраларини ўрганишга муваффақ бўлдик. Илк томошамиз "Оловуддин ва унинг сеҳрли чироғи" номли спектакль 2014 йил 27 март куни намойиш этилган. Ҳозиргача бир неча спектаклларни болажонларга ҳам ўзбек, ҳам рус тилида тақдим этиб келаяпмиз. Мақсадимиз азиз фарзандларимизни шу санъат тури орқали эзгуликка етаклаш ва уларга олам-олам қувонч ҳадя этиш. Келгусида театрнинг янада гуллаб-яшнаши учун жамоамиз билан биргаликда кўпгина ишларни амалга оширишни режалаштириб қўйганмиз, – дейди театр бадиий раҳбари Фарҳод Мирзаев.

Таъкидлаш жоизки, қўғирчоқбозлар маҳорат ва истеъдод билан қўғирчоқларни бошқаришади. Икки метр баландликдан қўғирчоқларни бошқариш, устига-устак уларни фақат бош қисмидан кўриб, ҳаракатлантириш актёрдан улкан тажриба ва маҳоратни талаб қилади.

Театр жамоасининг актёрлари ниҳоятда иқтидорли бўлиб, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Улар фақатгина қўғирчоқларни бошқариш билан чекланиб қолмай, балки қўғирчоқ ясаш ва унга либослар тикиш, саҳна декорацияларини тайёрлаш ва спектакль қаҳрамонлари учун овоз ёзиш каби машаққатли ва ижодий ишларни ҳам юксак маҳорат билан бажариб келишмоқда.

**Майна ҲАСАНОВА**

Шу кунларда дунёда футбол ишқибозлари Францияда бошланган футбол бўйича Европа чемпионати шукуҳи билан яшаяпти. Тўғри, айни пайтда АҚШда «Копа Америка» турнири ҳам ўзининг қизғин палласига кирган. Бироқ, бутунжаҳон чарм тўп ишқибозлари учун Европа чемпионати жаҳон чемпионатидан кейинги йирик спорт байрами сифатида қабул қилинган. Европада футбол бошқача, унинг атрофидаги муҳит ўзгача.

# ЯШИЛ МАЙДОН ТАФТИ



Майдонда курашаётган жамоалар кўрсатаётган ўйиннинг жозибаси томошабинни бутунлай ўзига мафтун этади. Испания, Франция, Италия, Португалия, Бельгия жамоалари ўйнаётган пайтда Мессининг Аргентинаси, Дунга бошчилигидаги Бразилия, Санчес ва Видаллари бор Чили жамоаларининг ўйини иккинчи ўринга тушиб қолар экан. Кўҳна қитъанинг 24 давлати миллий терма жамоалари иштирок этаётган Европа чемпионатида гуруҳ босқичининг дастлабки тур ўйинлари ўказилмоқда. Мусобақанинг бешинчи кунига қадар бўлиб ўтган ўйинларда турли натижалар қайд этилди. Чемпионатнинг очилиш маросимидан сўнг майдонга Франция ва Руминия терма жамоалари саф тортишди. Мезбонлар ушбу баҳсни кўтаринки руҳда ўтказишди. Уйда деворлар ҳам ёрдам беради, деган ақида шу куни французларга жуда асқотди. Улар ўз мухлислари қаршисида Руминия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дастлабки уч очкога эга бўлишди. Французлардан рақиб дарвозасига Жиру ва Пайе гол киритган бўлса, руминияликлар бунга бир маротаба пенальтидан жавоб беришди. «А» гуруҳидаги иккинчи беллашувда Швейцария жамоаси чемпионат дебютантларидан бири Албания жамоаси билан куч синашди. Мазкур баҳсда кутилганидек, Швейцариянинг кучли эканлиги ўз тасдиғини топди. Учрашувнинг 5-дақиқасида Шер томонидан киритилган гол ўйин якунигача сақланиб қолди. Айни пайтда «А» гуруҳида Франция ва Швейцария ҳисобида уч очко мавжуд. Кеча тунда ушбу гуруҳ жамоалари ўртасида иккинчи тур ўтказилди.

Чемпионатнинг иккинчи куни «В» гуруҳи жамоалари Уэльс — Словакия ҳамда Англия — Россия беллашди. Дастлабки ўйин тақдирини яқинда клублар ўртасида Европа чемпионлар лигаси бош совринини қўлга киритган Бейлнинг ажойиб ҳаракатлари ҳал этди. У рақиб дарвозасини ишғол қилиш билан бирга, фаол ҳаракатлари билан жамоасини олдинга бошлади. Умуман, Уэльс терма жамоаси намойиш этган ўйин томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйин бошқа учрашувларга нисбатан анча «қайноқ» руҳда ўтди. Майдонда футболчилар бир-бирларини аямай курашаётган бир пайтда, уларни стадионда туриб қўллаб-қувватлаётган мухлислар ҳам асло бир-бирларига ён босишни ўйлаганлари йўқ.

Ўйиннинг биринчи бўлимида устунлик Англия томонида бўлсада, томонлар дарвоза дахлсизлигини сақлаб қола олишди. Иккинчи бўлимда Россия термаси кўпроқ ҳужум ташкил этди. Аммо 73-дақиқада Эрик Дайер жарима зарбасини чиройли тарзда ижро этиб, инглизларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда эса Россия терма жамоаси сардори Василий Березуцкий боши билан тўпни дарвозага киритиб, орадаги фарқни йўққа чиқарди. Шу тариқа томонлар бир очкодан бўлиб олишди. Афсуски, ўйин якунига етганини билдирувчи ҳакам ҳуштаги чалинганидан сўнг майдон ва трибуналарда инглиз ва рус фанатлари ўртасидаги «беллашув» бошланди. Мухлислар томонидан содир этилган тартибсизликлар натижасида аёллар ва ёш болалар жароҳат олишган. Марсель кўчаларида ҳам фанатларнинг «шўхликлари» ярим тунгача давом этган. Европа футбол уюшмаси бу ҳолатни синчиклаб ўрганиб чиқяпти, дейилади интернет хабараларида. Агар томонларнинг содир этган жиноятлари исботланса, УЕФА ҳар иккала жамоага жиддий жазо қўллаши мумкин.

12 июнь куни "D" гуруҳидан ўрин олган жамоалар биринчи турни ўтказди. Дастлаб, Париж шаҳридаги «Парк де Пренс» стадионида Туркия ва Хорватия терма жамоалари учрашуви бошланди. Бутун ўйин давомида Хорватия катта устунликка эга бўлди. Ўйиндаги ҳисоб 41-дақиқада Лука Модричнинг кучли ва аниқ зарбасидан кейин очилди. Шу тариқа, Модричнинг голи учрашувда ягоналигича қолди ва Хорватия дастлабки 3 очкони ишлаб олди.

Шунингдек, «С» гуруҳида Польша Шимолий Ирландия билан, Германия эса Украина билан ўйнади. Польшаликларнинг британларга қарши учрашуви Ницца шаҳридаги «Альянц Ривьера» стадионида бўлиб ўтди. Бу ўйинда ҳам ўйин тақдирини поляклар томонидан киритилган ягона гол ҳал этди.

Гуруҳ босқичи доирасидаги Германия ва Украина терма жамоалари ўртасида кечган учрашув ҳам кескин курашларга бой кечди. Унда Йоахим Лёв шогирдлари 2:0 ҳисобида ғалабага эришди. Аммо учрашув немислар учун осон кечмади. Аксинча, биринчи бўлимда Украинанинг ҳужумлари Германия ҳимоячиларини бироз шошириб ҳам қўйган эди. Барибир тажриба ва маҳорат ўз сўзини айтди. Мустафи томонидан 19-дақиқада киритилган голга украиналиклар жавоб қайтара олмадилар. Иккинчи бўлимда эса устунлик батамом Германия томонига кўчди. Шундай бўлса-да, фақат учрашувнинг сўнгги дақиқасида уюштирилган қарши ҳужумдан сўнг Германия ҳисобни ошира олди. Месут Ўзилнинг ажойиб тўп оширишидан Швайнштайгер унумли фойдаланиб, иккинчи голни киритди. Душанба куни «Д» гуруҳидаги иккинчи жуфтлик — Испания — Чехия жамоалари ўртасидаги ўйинда 1:0 ҳисоби қайт этилди. «Е» тўртлигида эса "Ирландия—Швеция 1:1, Бельгия — Италия 0:2.

Кеча тунда «F» гуруҳи жамоалари баҳслашди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака" банк

*яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:*

"МУСТАҚИЛЛИК — 25"

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz *Хизматлар лицензияланган*

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 4200 Буюртма — S-6221 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*
**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Самарқанд:** (0-366) 233-62-12
**Топшириш вақти** — 20[00] **Топширилди** — 20[00]

ISSN 2010-7528
*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Шолазиз Шоҳидоев томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Бобур Муҳаммадиев
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**